Оила ва жамият

Oila va jamiyat

1991 йил 1 сентябрдан чиқа бошлаган

51 сон
21 — 27 декабр, 2006 йил



- Обрў-эътиборли, аҳилу иноқ оилалар соҳибларини эъзозлаш, эл орасида ардоқлаш қўмитамиз фаолиятининг бир йўналишини ташкил этади,-дейди Фарида Абдураҳимова. (Суратда-чапдан биринчи).

# АЁЛ ҲАЁТИ НУРГА ТЎЛСИН

***Суҳбатдошимиз—Фарида АБДУРАҲИМОВА Олий Мажлис Сенати аъзоси, Тошкент шаҳар ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси.***

- **Онагинам оддий дўппидўз эдилар.**
- **Йиллар тажрибаси фикрни улғайтираркан.**
- **Битта тўкис оила бунёд бўлди—кўнгил яйрайдиган жойи бу!**
- **Аёл ўз қадрини, ўрнини билмаса ёмон.**
- **Аёлнинг маънан, жисмонан ва иқтисодий тўкис бўлиши—жамият ютуғи.**
- **Одамларга, оиламга керакли эканлигимдан бахтиёрман.**

**— Фарида опа, бу кун сиз давлат арбоби, хотин-қизлар сардори, ҳар бир қиз-жувон ҳавас қилса, арзигулик даражадаги инсонсиз. Аммо дарахтнинг кўркига, бераётган мевасига қараб илдизи ҳақида хулоса қилишади. Демак, бу кунларнинг пойдевори болаликдан қўйилган...**

— Ҳақ гапни айтдингиз, болаликдан тўғри олинган йўналиш инсоннинг тақдирини белгилайди. Оилада учта қизнинг каттаси эдим, 3-синфда ўқирдим. Онагинам Холида ая (ҳозир 80 ёшда) оддий дўппидўз эдилар. Тошкент Бадиий буюмлар фабрикасида уй меҳнати — касаначилик билан шуғулланиб, дўппи тайёрлар эдилар. Эсимни танибманки, дўппининг кизаги - тепасини ип билан тепчиш, унга (қаттиқ туриши учун) қоғоздан пилта уриш ҳадисларини олганман. Онам қилган ишларимни сарҳисоб қилиб, ойлик маош олганларида: “Сенга нима олиб келай?" - дердилар. “Китоб олиб келинг”,- дея ўнтача китобнинг номини айтардим. Онагинам Эски жувадаги китоблар магазинига доимий мижоз бўлиб қолганлари учун бир куни сотувчи аёл: “Бу китобларни ўқийдиган қизингизни олиб келсангиз”,- деб айтиб юборибди. Мен у ерда ўтказилган “Энг фаол ўқувчи” танлови ғолиби бўлган эканман ўшанда. Мени бир боғлам эртак китоб билан мукофотлашган.

Ҳозир ҳам китоб магазинларида шундай танловлар ўтказилса, болаларимизнинг китобга қизиқиши янада ортармиди, дейман...

**— Журналистикага ҳавас ўшанда бошланган экан-да?**

— Китоблар менга воқеликни таҳлил қилишни, тўғри хулосалашни ўргатган, йўл кўрсатган, десам хато бўлмайди. Тошкентдаги Ҳинд тилини ўргатадиган 24-мактабда ўқиганимда ҳам жамоат ишларига жон-дилим билан қатнашардим. Мактабни олтин медаль билан тугатиб, Тошкент Давлат Университетининг журналистика факультетига кирдим. Иш фаолиятим “Ёш ленинчи” газетасида оддий техник — машинисткаликдан бошланган. Йиллар тажрибаси лавозимни ҳам, фикрни ҳам улғайтираркан. Ҳали айтганимдек, болаликдаги “ибрат” ҳаётимга андоза берган. Кўпинча “сан-ман”га борган қайнона-келинлар бизникига, онамнинг олдиларига келишарди. Онам маҳалланинг кайвониларидан эдилар. Ҳеч қачон бир томоннинг ёнини олганларини кўрмаганман. Икки тарафнинг ҳам яхши-ю, ёмонини ўзига айтиб, ҳовлимиздан “апоқ-чапоқ” қилиб чиқазиб юборардилар.

Мен ҳам қулоғимни “динг” қилиб, айб кимдалиги ҳақида ўзимча хулоса чиқариб ўтирардим. Ҳатто бирорта қариндошимизникида кўнгилсизлик бўлса ҳам барча қариндошлар бизникига йиғилиб, онам билан фикрлашишарди. Онагинам қанча оилалар тикланишига сабаб бўлганларининг гувоҳиман.

**— Иш жараёнида онангиз қўллаган қоидага амал қилганмисиз?**

— Шуни айтмоқчиман-да, бугунги вазифамни бажаришда янглишмаслигим учун онам ўша пайтдан йўлланма берган эканлар. Баъзан маҳаллаларга бориб, айрим ёшларнинг қолаверса, катталарнинг оилага енгил-елпи муносабатларини кўриб, ҳайрон қоламан. “Ҳали онаси ўпмаганини оламан!”- деб йигит ўз бахтига болта урса, “Кўявер, ўн гулингдан бир гулинг очилмаган, ерда қолмайсан!”- дея қизнинг онаси оила иморатининг тагига сув қуяди. Қарабсизки, етим болалар, бахтсиз эркагу аёллар сафи кенгаяверади... Бу эса жамиятимизнинг яна бир оғриқ нуқтаси кўпайди дегани. Мана шундай муаммоларни ўз жойида ҳал қилиш учун ҳар бир туман ҳокимиятида аҳоли билан учрашув — сайёр қабул кунларим бор. 11 та туман вакилларидан иборат гуруҳлар шаҳардаги 474 та маҳаллада аёлларни инқирозли ҳолатдан чиқариш, ҳуқуқини тушунтириш, хатоларини тузатишига кўмаклашиш, иш билан таъминлаш, саломатлигини тиклашга ҳаракат қилишади.

...Бир куни шаҳримиздаги 22-меҳрибонлик уйидан тўйга таклифнома олдим. Ўша ерда тарбияланиб тиббиёт коллежида ўқиётган Гулнорахон деган қиздан экан. Куёв бўлмиш ҳам ўша “Меҳрибонлик” уйида ҳайдовчи бўлиб ишларкан. Тўйга уч кун бор эди. Келиннинг сарпо-суруғидан тортиб, кўрпача-болишларигача кўплашиб тайёрладик. Оиласи бутун, ота-онаси борларникидан кам бўлмади тўй тараддуди. Бу тўйда ўйнамаган одам қолмади. “Меҳрибонлик” уйига карнайлаб-сурнайлаб куёв навкарлар келишди. Бу ердаги қизу ўғил ош, нону чой ташиб, куёв кутишди... Келин-куёвнинг хурсандлигини кўриб, кўзимга ёш келди. Битта тўкис оила бунёд бўлди-кўнгил яйрайдиган жойи- бу!

**— Юрагингиз куядиган жойи ҳам борми?**

— Ҳа, аёл ўз қадрини, ўрнини билмаса, ёмон... Қўлидан келмаган ишга киришиб, маънавий ёки жисмонан мажруҳ бўлиб қолса, ёмон... Бойлик орттириб, ўзини билмай қолганларга ачинаман... Аёлларимизга қанчадан-қанча имтиёзлар берилган, аммо кўпчилик ўз ҳуқуқини билмайди. Натижада, танг аҳволга тушиб, хато қилиб қўйганларини ўзлари ҳам билмай қоладилар. 18-19 ёшдаги айрим қизларнинг меҳнатга бўйини ён бермай енгил ҳаётга интилишларини кўриб, юрагим куяди. Ҳолбуки, шаҳарда 20 мингдан ортиқ бўш иш жойлари бор. Аммо бу уларни қониқтирмайди. Фалон долларлик иш керак уларга. Нафс балоси туфайли келажагини қоронғуликка маҳкум этаётганлар ҳам анчагина.

...Яқинда хорижий давлатларнинг бирида бир ўзбек аёлининг алданиб, у ерга бориб қолганидан хабар топдим. Аёлни у ерга бир аёл: “Катта пуллик ишда бир-икки йил ишлаб, бойиб кетасан”, дея қўйнини пуч ёнғоққа тўлдириб, олиб борган. Йўлкираларигача ўзи тўлаган ва у ердаги қўшмачиларга аёлни яхшигина ҳақ эвазига сотган экан. Аёлнинг бошидан ўтган савдоларни айтиш оғир...

Хотин-қизлар қўмиталари фаолиятидан

Қанча саъий-ҳаракатлар билан аёл уйига қайтди. У “Ватан, халқ” деган сўзларнинг маъносини энди англаганини айтиб, мени маҳкам қучоқлаб олганча “из-из” йиғлади... Хотин-қизларнинг мана шундай ҳолатга тушиб қолмасликлари учун ота-оналар, қариндош-уруғ, қолаверса, маҳалла-кўй, кенг жамоатчилик сергакроқ бўлишимиз керак!

**— Фарида опа, ҳам Сенатор, ҳам хотин-қизлар сардори бўлишдек масъулият қийнаб қўймаяптими?**

— Очиғи, Олий Мажлис Сенатининг Қонунчилик ва суд ҳуқуқ масалалари қўмитаси аъзолигига сайланганимда, “Мен юрист эмасман-ку?” деб ҳадиксираган эдим. Озгина вақт ўтган бўлса ҳам, оила, она ва бола ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ қонунлар қабул қилинишида тўплаган озми-кўпми ҳаётий тажрибам жуда қўл келаётганидан хурсандман. Хотин-қизларимиз ҳақ-ҳуқуқларига оид қонунлар ишлаб чиқилаётганда, ҳали қиладиган ишимиз кўп эканлигини ҳис қиламан. Масалан, уйда ўтириб ишлайдиган ва бола парвариши билан банд аёлларга тўла-тўкис шарт-шароитлар яратиш, тадбиркорликка шайланган аёлларга имтиёзли кредитлар бериш ҳақида қонунлар жорий этишга эришсак, дейман... Умуман, аёлнинг маънан, жисмонан ва иқтисодий томондан тўкис бўлиши-жамиятнинг ютуғи-да. Конституциямизда: “Эркак ва аёл тенг ҳуқуқли” (ҳамма томонлама) дея белгилаб қўйилган. Аёлларимиз хоҳласа, 54 ёшдан нафақага чиқиши мумкин. Ўзбекистон Республикасининг Сайлов ҳақидаги қонунига биноан депутатликка кўрсатиладиган номзод хотин-қизларнинг миқдори 30%дан кам бўлмаслиги белгилаб қўйилди. Ёки ҳомиладор аёлга илгари туғишгача бўлган таътил муддати 56 кун бўлса, ҳозир 70 кунга узайтирилган ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси бизнинг муваффақиятимиз.

**— Юртбошимиз 2007 йилни “Ижтимоий ҳимоя йили” деб эълон қилдилар. Шу муносабат билан кўнглингиздан нималар кечаяпти?**

- Конституциямиз қабул қилинган куннинг 14 йиллигига бағишланган йиғилишда муҳтарам президентимиз сўзлаган нутқни ички бир ҳаяжон билан тингладим. Маълум бир ном билан аталган ҳар бир йил доирасида амалга оширилаётган эзгу ишларга, Давлат дастурлари ижросига, жумладан, юртбошимиз таъкидлаган оналик ва болаликни ҳимоя қилиш, кам таъминланган, ёлғиз ва ҳимояга муҳтож кишиларга ёрдам бериш, оилада тиббий маданиятни юксалтириш, соғлом ва баркамол авлод тарбияси, аёлларни иш билан таъминлаш, ёш оилаларни мустаҳкамлаш каби масалалар ечими йўлидаги интилишларга хотин-қизлар қўмиталари ҳам бевосита даҳлдор ва камарбаста. Янги - “Ижтимоий ҳимоя йили”да мана шу ишларимиз янгича мазмун ва руҳ билан давом эттирилади. Мана шу озод ва обод юртнинг фуқаросиман, унинг порлоқ келажагига даҳлдорман, деган барча пок ниятли ватандошларимиз сингари хотин-қизлар қўмиталари фаоллари зиммасидаги масъулият ва бурч ҳисси ҳам янада кўпроқ ортади, назаримда.

**— Давлат ишлари билан бандсиз... Оилага... бекаликка қачон вақт ажратасиз?**

— Аёл қандай лавозимда бўлишидан қатъий назар, рафиқалик, оналик вазифаларидан бўйин товлашга ҳаққи йўқ. Қайси пайтда ишдан қайтмай, ўз бурчимни унутмайман. Болаларим кичкиналигида кир юв, овқат қил, супур-сидир, бичиш-тикиш... дегандай рўзғор ишларини кечқурун бажариб қўярдим. Турмуш ўртоғим Абдусаттор ака (муҳандис) мени яхши тушунардилар. 2 ўғил, 1 қизим бор. 7 нафар набирага бувиман. Ҳозир келинлар, қизлар аллақачон рўзғор ишларини қўлимдан олиб қўйишган. Уларнинг ҳаммаси зиёли, халқ хизматида. Одамларга, оиламга керакли эканлигимдан бахтиёрман.

**— Мухлисларга тилагингиз?**

— Ҳар бир оилага бутунлик, фаровонлик тилайман. Аёлнинг кўзидан нур, қалбидан шиддат кетмасин.

**Санобар ФАХРИДДИНОВА**

*Энам туфайли оиламизга файз кирди.*



# Зулфия номидаги Давлат мукофотига Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар комиссиялари томонидан тавсия этилган номзодлар рўйхати (2007 йил учун).




**Қорақалпоғистон Республикаси:**

***Абдужалиева Карима*** - 1-сон Нукус тиббиёт коллежи акушер иши бўлими ўқувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Орўнбаева Улбосин*** - Қораўзак туманидаги 8-мактаб ўқувчиси, маданият йўналиши бўйича.

***Қаландарова Юлдуз*** - Ажиниёз номидаги НДПИнинг тарих-география факультети талабаси, санъат йўналиши бўйича.

***Мусаева Муножот*** - Тошкент педиатрия тиббиёт давлат институти Нукус филиали "Даволаш иши" факультети талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Раметова Гулмира*** - Қорақалпоқ Давлат университети филология факультети журналистика бўлими талабаси, таълим йўналиши бўйича.

**Андижон вилояти:**

***Абдуллаева Зилола*** - Андижон Давлат университети талабаси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Қорабоева Дурдона*** - Тошкент маданият ва спорт институти талабаси, маданият йўналиши бўйича.

***Ботирова Ҳилола*** - Тошкент Давлат консерваторияси 1-босқич магистранти, санъат йўналиши бўйича.

***Воҳидова Ниҳола*** - Андижон Давлат тиббиёт институти даволаш факультети талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Ҳолиқова Шахноза*** - Андижон Давлат университети филология факультети талабаси, таълим йўналиши бўйича.

**Бухоро вилояти:**

***Саломова Муқаддас*** - Ғиждувон туманидаги 2-ўрта мактаб бошланғич синф ўқитувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Муродова Зебунисо*** - Бухоро юридик ва маиший хизмат касб-ҳунар коллежи талабаси, маданият йўналиши бўйича.

***Салимова Ҳулкар*** - Бухоро Давлат университети санъат ва муҳандислик графикаси факультети мусиқа бўлими талабаси, санъат йўналиши бўйича.

***Раҳимова Моҳигул*** - Бухоро Давлат университети 2-босқич магистранти, фан йўналиши бўйича.

***Бобоева Гулноза*** - Вобкент туманидаги 17 сон ўрта мактаб ўқувчиси, таълим йўналиши бўйича.

**Жиззах вилояти:**

***Тўйчиева Насиба*** - Ғаллаорол туманидаги 2-лицей ўқувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Хасанова Ҳулкар*** - Фориш туманидаги 5-ўрта мактаб бадиий ҳаваскорлик тўгараги раҳбари, маданият йўналиши бўйича.

***Йўлдошева Садоқат*** - Вилоят "Ҳунарманд аёллар" Ассоциацияси раиси, санъат йўналиши бўйича.

***Маллаева Нилуфар*** - ЖДПИ "Табиатшунослик" факультети талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Артиқова Наргиза*** - Жиззах политехника институти "Автомеханика" факультети талабаси, таълим йўналиши бўйича.

**Навоий вилояти:**

***Тожиева Муштарий*** - Нурота тумани 45-умумтаълим мактабининг меҳнат фани ўқитувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Рустамова Молдир*** - Томди қишлоқ хўжалиги касб-ҳунар коллежи талабаси, маданият йўналиши бўйича.

***Бердалиева Факиза*** - Зарафшон шаҳар саноат касб-ҳунар коллежи талабаси, санъат йўналиши бўйича.

***Воронина Анастасия*** - Навоий шаҳридаги 18-мактаб ўқувчиси, фан йўналиши бўйича.

***Мусаева Орзигул*** - Қизилтепа туманидаги агросервис касб-ҳунар коллежи талабаси, таълим йўналиши бўйича.

**Наманган вилояти:**

***Салидходжаева Хавасхон*** - Наманган шаҳридаги 43-мактаб қошидаги адабий тўгарак раҳбари, адабиёт йўналиши бўйича.

***Абдурашидова Дилобар*** - НамДУ қошидаги 2-академик лицей талабаси, маданият йўналиши бўйича.

***Азимова Латофат*** - Косонсой тиббиёт коллежи талабаси, санъат йўналиши бўйича.

***Юлдашева Дилдора*** - Наманган муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Қаҳҳорова Дилором*** - Косонсой тумани тиббиёт коллежи талабаси, таълим йўналиши бўйича.

**Самарқанд вилояти:**

***Нуриллаева Нигина*** - Самарқанд Давлат архитектура ва қурилиш институти қошидаги 2-сон академик лицей ўқувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Абдураҳимова Назокат*** - Самарқанд вилоят Оқдарё педагогика коллежи ўқитувчиси, таълим йўналиши бўйича.

***Мўминова Фе́руза*** - Оқдарё туманидаги 45-ихтисослаштирилган иқтидорли болалар мактаб ўқувчиси, фан йўналиши бўйича.

***Орипова Мадина*** - Самарқанд туманидаги 12-ўрта мактаб ўқувчиси, санъат йўналиши бўйича.

***Ҳайдарова Мафтуна*** - Оқтош шаҳридаги 64-мактаб ўқувчиси, маданият йўналиши бўйича.

**Сирдарё вилояти:**

***Барлибоева Ситора*** - Боёвут туманидаги 13-ўрта мактаб ўқувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Қўлдошева Шахноза*** - Гулистон Давлат университети филология факультети талабаси, маданият йўналиши бўйича.

***Қўнишева Нигора*** - Гулистон тиббиёт коллежи талабаси, санъат йўналиши бўйича.

***Норбекова Васила*** - Гулистон Давлат университети тарих факультети талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Тўраева Комила*** - Гулистон туманидаги 27-ихтисослашган мактаб-интернат ўқувчиси, таълим йўналиши бўйича.

**Сурхондарё вилояти:**

***Шукурова Мавлуда*** - вақтинча ҳеч жойда ишламайди ва ўқимайди, адабиёт йўналиши бўйича.

***Сарварова Азиза*** - Термиз шаҳридаги 2- ўрта мактаб ўқувчиси, маданият йўналиши бўйича.

***Сайфиева Гулрухсор*** - Шеробод туманидаги тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиси, санъат йўналиши бўйича.

***Джумаева Мафтуна*** - Қумқўрғон туманидаги 4-ўрта мактаб ўқувчиси, фан йўналиши бўйича.

***Мусаева Севара*** - Музробод кичик ва ўрта бизнес коллежи талабаси, таълим йўналиши бўйича.

**Қашқадарё вилояти:**

***Тиловова Муяссар*** - Ғузор тумани 77-мактаб ўқувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Қодирова Камола*** - Қарши муҳандислик иқтисодиёт институти талабаси, маданият йўналиши бўйича.

***Аҳмедова Зарнигор*** - Чироқчи туманидаги 21-сон мактаб ўқувчиси, санъат йўналиши бўйича.

***Худоймуродова Феруза*** - Китоб тумани Мирзо Бедил номли мактаб ўқувчиси, фан йўналиши бўйича.

***Кенжабоева Ирина*** - Қарши шаҳридаги 24-мактаб ўқувчиси, таълим йўналиши бўйича.

**Фарғона вилояти:**

***Қўлдошева Дилнавоз*** - "Ёрмозор" академик лицейи талабаси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Сайдалиева Феруза*** - Фарғона Давлат университети иқтисодиёт факультети талабаси, маданият йўналиши бўйича.

***Мадалиева Шахзода*** - Қўқон тасвирий санъат коллежи талабаси, санъат йўналиши бўйича.

***Байназарова Нилуфар*** - Фарғона Давлат университети табиатшунослик факультети талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Абдуғаниева Нилуфар*** - Марғилон шаҳридаги "Истиқбол" мактаб-гимназияси ўқувчиси, таълим йўналиши бўйича.

**Хоразм вилояти:**

***Нурметова Умидахон*** - Янгибозор туманидаги 10-сон ихтисослаштирилган мактаб ўқувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Палванниязова Дилфуза*** - Урганч шаҳар "Камолот" ЁИҲ кенгаши қошидаги тикув тўгараги раҳбари, маданият йўналиши бўйича.

***Цой Диана*** - Гурлан туман 2-сон ўрта таълим мактаб ўқувчиси, санъат йўналиши бўйича.

***Кулимова Озода*** - Урганч Давлат университети тарих ва ҳуқуқ факультети талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Каримова Муҳайё*** - Хонқа туманидаги 7-сон мактаб-интернат ўқувчиси, таълим йўналиши бўйича.

**Тошкент вилояти:**

***Равшанова Шахноза*** - Чирчиқ шаҳридаги 2-мактаб ўқувчиси, маданият йўналиши бўйича.

***Мусаева Дилобар*** - Қибрай туманидаги 15-мактаб ўқитувчиси, маданият йўналиши бўйича.

***Розиқова Нигора*** - К.Беҳзод номидаги Тошкент рассомчилик олийгоҳи талабаси, санъат йўналиши бўйича.

***Дўстматова Дилноза*** - Тошкент вилояти Давлат педагогика институти талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Ортиқова Муяссар*** - Тошкент Давлат Аграр университети талабаси, Қибрай туманидаги 1-сон спорт мактаби мураббийси, таълим йўналиши бўйича.

**Тошкент шаҳри:**

***Усмонова Дилафруз*** - Ўзбекистон Миллий Университети қошидаги лицей ўқувчиси, адабиёт йўналиши бўйича.

***Каримова Шахноза*** - Шайхонтохур туманидаги 421-мактаб ўқувчиси, маданият йўналиши бўйича.

***Бедрицкая Оксана*** - Мирobод туманидаги 110-сон мактаб ўқувчиси, санъат йўналиши бўйича.

***Ташматова Дилобар*** - Тошкент ирригация ва мелиорация институти талабаси, фан йўналиши бўйича.

***Маҳмудова Ҳилола*** - Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистранти - таълим йўналиши бўйича.

## "КЕЛАЖАК ОВОЗИ"

**Ахборот**

Пойтахтимизда "Келажак овози" танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси ҳамда "Камолот" ЁИҲ ҳамкорлигида иккинчи марта ўтказилаётган иқтидорли ёшлар танловига бу йил Миллий мақом берилди. Жорий йилда танлов иштирокчиларининг сони 10 мингга яқинлашганига аҳамият берсак, иқтидорли ёшлар сафи ортиб бораётганига гувоҳ бўламиз. "Тасвирий ва амалий санъат", "Меъморчилик ва дизайн", "Ахборот ва коммуникация технологиялари", "Рационализаторлик таклифлар, техник лойиҳалар ва ишланмалар", "Ижтимоий лойиҳалар ва бизнес-режа" ҳамда "Бадиий ижод" йўналишлари бўйича вилоят босқичларидан ўтиб келган 15 ёшдан 25 ёшгача бўлган ўғил-қизлар республика ғолиблиги учун беллашдилар.

Ғолибларни тақдирлаш маросими бугун пойтахтимизнинг "Халқлар дўстлиги" саройида эстрада юлдузлари, илм-фан, маданият ва санъат арбоблари иштирокида бўлиб ўтади. Муваффақият қозонган ёшлар "Келажак овози" танлови ғолиби дипломи, эсдалик мукофоти ҳамда грантлар билан тақдирланади. Шунингдек уларнинг келгуси ижодий ва илмий ишларини қўллаб-қувватлашга қаратилган қўшимча имкониятлар яратиб берилади. Жумладан, уларнинг республика ва халқаро миқёсдаги танловларда, фестивалларда иштирокини қўллаб-қувватлаш, йўналишлари бўйича олий ўқув юртларига киришлари учун тавсияномалар бериш, ихтиро ва янгиликлари учун патент олишларида кўмаклашиш кабилар кўзда тутилган.

**Ўз мухбиримиз.**

## ЖУФТЛИКДА ЯШАШ САОДАТИ



Ҳаётда ўз жуфти ҳалолидан ажраб ёлғиз қолган эркагу аёлнинг гарчи фарзандлари бағрида яшаётган бўлса-да, турмушида қандайдир кемтиклик борлиги яққол сезилади. Фарзандлари (қиз ёки ўғил) кечки овқатдан кейин ўз хоналарига кириб кетганида ёлғиз она ёки ота кулбахонасида бирор набираси билан қолиб кетади. Набираси ухлаб қолса ёки улар ҳам ота-оналари ёнига қайтса, бечора ёлғиз қария ким билан дардлашишини билмай руҳий азобда қолади.

"Дунёда энг оғир дард, бу қарилик",- деган экан донолардан бири. Айниқса, қариганда касалга чалиниб, тортган азобларини айтмаса ҳам бўлади. Ана шундай пайтда дилкаш ва дардкаш жуфти ҳалолнинг ўрни жуда билинади.

Оққўрғон тумани Олимкент қўрғонида яшовчи 80 ёшли Йўлдош ота Ҳайдаров жуфти ҳалоли вафот этганидан сўнг бир муддат ёлғиз яшади. Сўнг яқинлар, дўст-ёрлар кўмагида Раънохон опа билан ҳаёт ришталарини боғлади.

- Ҳар бир эркакнинг кўз очиб кўргани билан умрининг охиригача яшаганига нима етсин,- дейди Йўлдош ота оҳиста. - Лекин ҳаётнинг, табиатнинг ўз қонун-қоидаси бор. Бу фақат Аллоҳнинг иши. Иккинчи ёстиқдошим - Раънохон ҳам олдинги аёлимдан кам эмас. Озода-покиза, болаларимга меҳрибон, қўли ширин пазанда...

- Энам келгандан кейин оиламизга яна файз кирди,- дейди келини Машҳура кулиб-кулиб. - Олдин бир ўғилни уйлантиргандик. Ҳозир икки қиз чиқариб, бир келин олдик. Тўйларимизда энам бош-қош.

- Мен бу хонадонга келганимда намоз ўқишни билмасдим. Худога шукр, чолим намоз ўқишни ўргатдилар. Савоб дея сабоқ берган чолгинамдан ўргилай,-дейди Раъно опа.

**Тиллабек МИРЗААҲМЕДОВ,**
**Тошкент вилояти,**
**Оққўрғон тумани.**

# АХЛОҚ-ОДОБ РЕПЕТИТОРИ ЛОЗИММИ?

12-16 ёшли ўсмир-ўспирин ўғил ёки қиз ҳар икки гапида бир ёлғон ишлатиб турса, ҳар икки қилмишининг биттаси бекитиқча, яширинча бўлса, ҳар икки қадамининг бири нопоклик, нодонлик, номаъқулчилик сари бошласа, нима қилиш керак?! Бу иллатлар унга қаердан ёпишди?

Ҳеч қандай оти йўқ, тайини йўқ, аллақандай номаълум жойдан, номаълум кимсадан ёпишгани йўқ, албатта. Бу аввало, ота-онадан ўтди. Ота-онада ёки уларнинг биттасида яширинган иллатлардан юқади. Ота-онадаги ёхуд уларнинг бирортасидаги туғма нуқсонлар туғма равишда фарзандга ўтади. Борди-ю, туғма эмас, деб ўзимизни юнтирадиган бўлсак, у ҳолда ҳамма бало бола тарбиялашда йўл қўйилган хато ва камчиликлардан юзага келди. "Отаонангга раҳмат", дейдиган улуғларнинг дуоларини, "Ота-онангга лаънат" деган кимсаларнинг дийдиёларини, "Қуш инида кўрганини қилади", каби мақолларни эсланг. Тўғри-да, ота-она ўз фарзандидан уни бекитиб, буни яшириб ёлғондан ваъдалар бериб, овутиб, тинчлантириб, ҳар гапида, ҳар бир ишида сохталик қилса, боланинг кўз ўнгида бекитиқча ишлар қилиб, ёлғон-яшиқларни гапириб юрса, тўқиса, отанинг чўнтагини онаси, онаси сумкасини отаси титкилаб турса ва бу иллатлар ҳар куни бола кўз ўнгида такрорланиб борса, фарзанд булардан шуларни ўрганмай кимлардан нималарни ўргансин?

Бола кўча-куйда беҳаё киноларни кўрса, баъзи калтабинлар туғилган кунларни нишонлай туриб, фарзандларига қиттай шампан ичишга, бемаза қилиқлар қилишга рухсат этиб турса, у эсини танигач ёмон одатлар чиқармаслигига, сигарет, кейин наша, ундан сўнг кучли наркотиклар қабул қилмаслигига, ҳаром йўлларга кириб кетмаслигига ким кафолат бера олади? Ҳеч ким! Шундай бўлгач, мактаб, лицей, коллежлар берган тарбиянинг кучи қаёққа етсин. Энди нима қилиш керак?

Энди ахлоқ-одобдан сабоқ берувчи мураббий репетитор топиш керак. Фарзандларни ахлоқ-одоб репетиторлари тарбиялайдиган вақт етиб келган кўринади. Зурриётларининг келажакда беунуқсон, комил инсон бўлиб етишини истаган ҳамиятли, ор-номусли, зукко ота-она шундай репетитор топади ҳам. Ёшларга тил, илм, касб ўргатишнинг бу методи ўзини оқлаётгани каби бу йўл ҳам ўзини оқлайди. Қадим ўзига тўқ, зиёли, шуурли авлодларимиз ўз фарзандларининг таълим-тарбиясини, иқтидорини мураббийларга топширганлари ҳар бежиз эмас эди албатта.

Бола мураббий репетиторга қанча эрта берилса, шунча яхши. Уни ахлоқ-одоб сари эгиб олиши шунча осон кечади. Оқибатда, бола гўзал хулқ, гўзал ахлоқ, гўзал одоб кишиси бўлиб етишади. Ота-онадаги нуқсон ва камчиликлар фарзандларга кўчишга улгурмай қолар, улгурганлари эса муайян дастур асосида илмий ёндошилган таълим-тарбия таъсирида йўқолиб боради. Қарабсизки, қиздир, ўғилдир келажакда оқил ва одил бўлиб етишади. Насл-насабни тозалаб боришнинг усул-амалларидан бири шудир. Аммо, минг афсуски, ким буни тушунади, ким тушунмайди. Ким бунга қунт қилади, ким қунт қилмайди. Чунки, ҳеч ким ўз ўғил-қизини ноқобил чиқади, деб ўйламайди.

Ҳамма бало шунда. Инсон психологияси шундай яратилганки, ҳамма ўз фарзандидан яхшиликлар кутади, аммо билиб-билмай ёмонликлар юқтириб қўяди. Инсон ўз фарзандидан яхши одам чиқади, деб ўйлайди, аммо ўзи ёмон одам қилиб тарбиялаб қўяди. Бу аччиқ ҳақиқат...

**А. ҚОСИМОВ,**
**филология фанлари номзоди.**

МУЛОҲАЗА. МУШОҲАДА. МУНОЗАРА.

# МУҲАББАТ ВА ИШОНЧГА ЛОЙИҚ БЎЛИНГ!

Муқаддас китобларда айтилишича, ваъда қилинган Жаннат осмонда эмас, Ерда бўлар экан...

Бу даргоҳга илк бор қадам қўйганимда, негадир хаёлимда айнан шу фикр айланаверди. Чунки бу сўлим гўша тасаввуримдаги жаннатга жуда-жуда ўхшаш эдида! Гап пойтахтимизда жойлашган "Турон" сиҳатгоҳи ҳақида кетаяпти. Дастлабки кунданоқ бу ерга дам олишга келганлар ҳақида илк тааассуротга эга бўлдим. Адабиёт аҳлидан тортиб, санъаткорлар, олимлару муаллимлар, қўли гул усталари, оддий меҳнаткашлар республикамизнинг турли бурчакларидан келишган экан бу ерга. Айтиш жоизки, мен бу ерга деярли тасодифан келиб қолган эдим. Сал бўлса-да, дам олиб, уй-хаёлларимни бир жойга тўплаб, кучимни ортга қайтиш мақсадида эдим. Эрта саҳар кўз очдим-у, ҳовлига ошиқдим. Ахир кеча ҳамма мўъжизалар билан танишиб улгурмаган эдим-да. Ҳовлида югуриш-у, бадантарбия билан овора бир спортсмен йигитдан бошқа ҳеч ким йўқ, ҳали ҳамма уйқуда эди. Унга заррача эътибор бермай, йўлимни гўзаллиги билан дилимни мафтун этган гўзал товуслар қароргоҳи томон бурдим. Спортсмен йигит ҳам машқларини тугатиб, шу ерга қадам босди. Истасам-истамасам ҳам 10 дақиқача давом этган суҳбатдан мен уни кўҳна Қашқадарёнинг Косон туманидан эканлигини, исми Мухторлигини-ю, ўзи "МуборакГаз"да ишлашини, бўш вақтида шеърлар машқ қилишини билиб олдим. Агар истасам, унинг шеърларини ўқиб кўришим мумкин эканлигини айтди. Кўнгли учун "йўқ", дея олмадим-у, бу машғулотни кейинга қолдириб, сайримни ёлғиз давом эттирдим. Ва бир ажойиб гул билан танишдим ул тонг! Бир шохнинг ўзида бир неча ранг гул гуллаганини кўрганмисиз ҳеч?! Шу кунгача мен ҳам бундай мўъжизани кўрмаган эдим. Қизил, сариқ, мовий, оқ рангли ҳарир гулбарглари узоқдан ранг-баранг капалакларни эслатиб, ўзидан нафис бир ифор таратар эдики... Махлиё бўлмасдан илож йўқ. Қўл телефоним ёрдамида бу антиқа гулларни суратга олишга киришиб кетдим. Мени биров кузатиши мумкинлиги хаёлимгаям келмаган экан-а...

- Яхши қиз, соат неча бўлганини айтолмайсизми?

- Йўқ. Соатим хонада қолган эди...

- Қўлингизда телефон турганда соатни нима қиласиз?

- Ҳа-я, кечирасиз, хаёлимдан кўтарилибди.

Мен бу нотаниш йигитга вақтни айтдим-у, суҳбат шу билан тугади, деб ҳисоблаб, яна нафосат томон юз бурдим. Адашган эканман. Жамол (исмини кейин билдим) менга:

- Сиз билан бир ўтириб, суҳбатлашсак бўладими? - деди.

- Қулоғим сизда.

- Йўқ, ҳозир эмас, кечқурун.

- Нега энди кечқурун? Сизда оғиз, менда қулоқ бор. Ҳозир ҳам бемалол гапираверинг, кутиш шарт эмас-ку.

Йигит менга яқин келиб, беўхшов жилмайди-да:

- Бундай суҳбатларда, асал қиз, тил билан қулоқ умуман иштирок этмайди. Шунинг учун қоронғу тушишини кутиш шарт! - деди...

Индамай юз ўгирдим-да, хонам томон йўл олдим. Кўнглимга ғубор чўкди... Бундан кейин муомалада эҳтиёт бўлишим шарт.

Нонушта пайти Мухтор ака шеърлар ёзилган дафтар ташлаб кетди. Шеърларнинг ўзига яраша жозибаси бўлса-да, мен дафтарни тезроқ эгасига қайтариб, ундан ҳам йироқроқ юришга қарор қилдим.

Ўша куни тушликдан сўнг ҳовлида одам гавжумроқ жойдаги скамейкадан жой олдим-да, совға қилинган китобни варақлаб, мутоала дунёсига ғарқ бўлдим. Билмадим, китоб дунёсига саёҳатим яна қанча давом этарди, агар "гурс" этган овоз унга чек қўймаганда... Бошимни саҳифалардан кўтариб, ёнимга қарасам, филдек бир паҳлавон пишиллаб, скамейканинг ярмидан кўпини эгаллаб ўтирибди. Ҳеч кутилмаганда у киши бақалоқ қўллари билан қўлимдан сурбетларча китобни тортиб олди-да:

- О-о! Қандай жиддий китоблар! Бошни оғритишингга арзимайди, қизи, - деб сигарет тутата бошлади ва:

- Чекасанми? - деб менга ҳам таклиф қилди.

- Йўқ!

- Ичмайсан ҳамми?

- Йўқ!

- Чапгаям юрмайсанми?

Э, йўқ! Бу савол энди ҳаммасидан ўтиб тушди! Мен унинг қўлларидан китобимни юлиб олдим-да, кўзига тик қараб:



- Ахборотингиз учун, айнан менинг хонам коридорнинг чап томонида жойлашган! - деб ўгирилиб кета бошладим.

- Мен нима, қуруққа айтаяпманми, сенга? "Падарка"си бор, кейин ўзинг ҳам хурсанд бўласан!

Худди биров кўнглимга учқун ташладию, бу учқун ичимни куйдирди. Алам учқуни... Нафрат учқуни... Шартта ортга қайтдим-да:

- Кечирасиз, акахон, уйланганмисиз? - деб сўрадим.

- Бунинг аҳамияти йўқ...

- Нега энди? Сиз ўз иккинчи бўлагингизни ҳақоратлаб, оёқости қиласиз-у, аҳамияти бўлмайдими?

- Бўлмайди, чунки уйланмаганман.

Қўйлагининг кўкрак чўнтагидан мўралаб турган паспортига айёрона нигоҳ ташлаб, "шунақа денг", деб жилмайдим-да, чаққонлик билан уни чўнтакдан сугуриб олдим. У "ҳай-ҳай"лагунча титилиб кетган бечора хужжатнинг керакли бетини олдим... У ерда шу кишининг 34 йил олдин Садоқат исмли аёл билан қилган аҳду паймони нишонаси ҳилпираб турарди... Садоқат ая умри бино бўлиб, шу кишидан садоқат кўрганмикан ўзи?

Эртаси куни нонушта пайти емакхонада белгиланган стол олдидан жойимни эгаллаб, олдинги шеригим уйига кетганини билдим. Ўрнига бошқа одам келибди. Саломлашиб ўтиргач, рўпарамдаги кишига нигоҳ ташладим. Нафақат сочсоқоли, балки қалин толали узун қошлари ҳам оппоқ бу киши Қорбобонинг ўзгинаси эди. Андижондан дам олишга келган Розиқ аканинг айтишича, Ленин ўлган куни, яъни 24.01.1924 йилда таваллуд топган экан.

Шу пайт телефоним жиринглаб қолди. Дисплей ойижонимнинг ҳавотирини акс эттириб турарди, жавоб бермасам бўлмайди. Ҳовлига ошиқдим. Ойижонимнинг кўнглини хотиржам қилиб жойимга қайтаётсам, йўлакда нонушта қилиб бўлган Розиқ ака билан тўқнаш келдим.

- Ие, қайтдингизми? Мен атайин сизни деб чиқувдим-ку! Сизга айтадиган бир оғиз гапим бор эди-ку, - деди у жилмайиб.

- Шунчалик муҳим гапми?

- Албатта! Эътибор берган бўлсангиз, ёшимга нисбатан анча навқирон кўринаман-а? "Медицинский пробам" ҳам буни тасдиқлайди. Қисқаси, мен билан бўлсангиз, ўзингиз ҳам бунга ишонч ҳосил қиласиз...

Қолганини тинглаб ҳам турмадим. Ҳушимни йиғиб, атрофга қарасам, емакхонада ўз жойимда ўтирган эканман. Стол устини ғижимланган салфеткага тўлдириб ташлабман. Кеч қолганларни ҳисобга олмаганда, залда деярли ҳеч ким қолмаган. Залнинг нариги томонида таниш чеҳрага кўзим тушиб, алам ёшини артдим-да, ўша томон йўл олдим. Оддий, соддадил одам тассуротини қолдирадиган Мухтор ака мени диққат билан тинглади-да, истасам, менга шерик бўлишини, бошқа ҳечам бемаза гапларни эшитишимга йўл қўймаслигини айтди. Шу-шу бўш вақтимда гоҳ шеърлар, гоҳ нефтчилар ҳаёти-ю, саҳрои кабир саргузаштларини тинглайдиган бўлдим. Тутуруқсиз гаплардан қулоғим тинчиди.

Шу ерда ҳикоямга нуқта қўйсам ҳам бўлаверарди-ку, фақат хулосани айтиш қолди, холос.

Эркак киши оила бошлиғи. Аёл унга итоатда бўлиши Худо томонидан тайинланган. Ўзбек аёли бу амрни қойилмақом бажаради. Ахир оила бошлиғи бўлиш масъулиятини у жуда яхши тушунади-да: эрта-ю кеч рўзғор деб ўзини ўққа-чўққа ураётган эрини кўриб, наҳотки хотин ачинмаса? Энди тасаввур қилинг, омад чопиб, оиланинг бир кишиси учун ажойиб санаторийда дам олиб, соғлиқни тиклаш имкони пайдо бўлди. Эркакми, аёлми фарқи йўқ. Фақат биттагина одамда имкон бор, холос. Рўзғор ишлари-ю, оила ташвишларидан қанчалар чарчамасин, муштипар ўзбек аёли ҳеч иккиланмасдан бу имконни эрига тақдим этади. Унга бўлган ҳурмати, севгиси ва ишончи шунчалар улканки, буни тил билан ифодалаб бўлмайди. Ё мен адашаяпманми?

Азиз эркаклар! Шу муҳаббатга ва шу ишончга лойиқ бўлинг, илтимос. Ўзингизни аёлларнинг ўрнига қўйиб кўринг: сиз уларга ишониб, дам олишга юборсангиз-у, улар топган пулларини ёш йигитчаларга сарфлаб, айшини суриб юрса... Ишониб айтаманки, сиз уларни бир сония ҳам хотин қилиб ўтирмайсиз ва тўғри қиласиз! Аёллар эса сизнинг хиёнатингизни сезса ҳам оила деб, фарзандлар деб тишини тишига қўйиб чидашади. Лекин нима эксанг, шуни ўрасан! Куни келиб, адолат қарор топади. Улар ўз мукофотини, бевафолар эса жазосини албатта олади. Кейин сиз аёлингиз ранжитишдан қўрқмасангиз, Худодан қўрқинг. Чунки У аёлингиз тарафида. У учун ОИЛА МУҚАДДАСДИР!

**НАРГИЗАБОНУ**

ТАШРИФЛАРИНГИЗ...

# ЯХШИЛАР БОР БЎЛСИН!



Тушдан сўнг таҳририятимизга эркак ва аёл кириб келишди.

- Биз эр-хотин Навоий вилоятиданмиз. Менинг исм-фамилиям Шароф Тошев, аёлимнинг исми Муқаддасхон. Етти нафар фарзандимиз бор. Бошимиздан оғир савдоларни кечирдик.

**- Қандай савдолар экан?**

- Э, сира сўраманг! Қарз балоси,- деган касофатнинг касридан роса азоб тортдик. Бундан беш йил олдин банкдан бир миллион икки юз минг сумлик микрокредит олиб, мол сотиб олмоқчи бўлдик. Керакли барча ҳужжатларни тайёрлаб банкка топширдик. Банкдагилар эса ҳаммасини олиб қолишди-ю, пулни беришни чўзишди. Шундай қилиб овораи-сарсонгарчиликлар билан саккиз ой ўтди. Бу орада қарзга олган пулимиз ҳам йўлкира билан тугади.

**- Қарзингиз кўп эдими?**

- Етмиш минг сўм эди. Бундан беш-олти йил аввал бу катта пул эди-да. Ана шунинг фоизи ҳаётимизни ағдар-тўнтар қилиб юборди. Қарз берган инсон хонумонимизни куйдирди. Устидаги фоизи учун уйимиздаги бор бисотимизни олиб кетишди. Уйимнинг ҳужжатлари, ўзимизнинг барча хужжатларимиз—паспорт борми, ҳайдовчилик гувоҳномаси борми, ҳаммасини олиб қўйди. Ишлашим, оиламдаги етти нафар фарзандимни боқишим керак, денг. Пул йўқ. Бунинг устига оила аъзоларимиз билан унинг уйида ишлаймиз.

**- Тегишли идораларга хабар бермадингизми?**

- Очиғи ўша кунларда бормаган жойимиз қолмади. У ёқдан-бу ёққа югуртиришади. Натижаси йўқ. Кредит олишни унутиб қандай қилиб қарзимизни тўлашни ўйлардим. Кечаси-ю, кундузи болаларим билан ишлаб ўша инсонга пул олиб бориб берардим.

**- Шунча йилда наҳотки қарзингизни узишнинг иложи бўлмади?**

- Қарздан қутулдик. Лекин у: "Берган пулимнинг фоизини тўлайсан! Бўлмаса..." - деб зуғум қилди.

"Майли тўлай, лекин паспортимни беринг. Ҳеч бўлмаса пенсиямни олай, ёки бирон жойга ишга жойлашай", - дедим. Ногиронлик нафақасига чиққандим, шу пул болаларимнинг ризқи эди. Лекин кейинчалик пенсиямни ҳам бермай қўйишди.

**- Ҳеч ким ишламаса? Фоиз тўлаётган бўлсангиз, тирикчилик, яшаш нима бўлди?**

- Баъзан нон-чойга ҳам қаноат қилган кунларимиз бўлди. Инсоннинг тақдири тошдан ҳам қаттиқ бўлади, дейишгани шу бўлса керак.

Бир бурда нонни тинчгина еганга ҳеч нарса етмас экан. Ўтган йиллар давомида оиламизнинг тинчлиги, хотиржамлиги бизни тарк этганди.

**- Лекин ҳозир чеҳрангизда табассум, хурсандсизлар...**

- Ахир олти йил қийналиб,сарсон бўлиб юрган пайтларимизда кулишни ҳам унутиб юборгандик. Етти фарзандимиз бизга қараб мўлтирашарди. Ўша кунларнинг бирида эр-хотин иккаламиз болаларимизнинг аҳволини кўриб йиғладик. Бунинг устига сиқилавериб хотиним инсульт бўлди. У оёққа тургандан кейин Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлигининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бошқармасига келдик. Тўғриси, бизни бу ерда қабул қилишадими, сўзимизни эшитишадимийўқми, унча ишонмасдик ҳам. Чунки йиллар давомида жуда кўп арбоблар билан учрашиб, ихлосимиз қайтганди.

**- Сизларни қабул қилишдими?**

- Бошқарма бошлиғи Раҳмонов Жамшид Қаҳрамонович деган ёшгина бир йигит экан. Биз қимтинибгина унинг олдига кирганимизда у очиқ чеҳра билан кутиб олди. Арз-додимизни диққат билан эшитди, Навоийга қўнғироқ қилиб, тегишли одамлар билан гаплашди. Яна кузатиб пастгача олиб тушиб, кўнглимизни кўтарди. "Бугуноқ ҳамма ҳужжатларингиз қўлингизда бўлади",-деди.

**- Шундай бўлдими?**

- Ишониб-ишонмасдан уйимизга келдик. Қизиғи шундаки, илгари биз ўша одамларни излаб овора бўлгандик. Улар эса биз Тошкентдан келгунча бизни уйимизга бир неча марта излаб келишган экан. Шундай қилиб ҳужжатларимиз қўлимизга тегди. Мен яна ўз ишимни топдим. Кўнглимиз, умримиз нурга тўлди. Йиллар давомида олмаган пенсиямни ҳам олиш тараддудидаман. Муҳими Жамшиджон Раҳмоновнинг яхшилиги, ёрдами туфайли етти нафар фарзанди бор оила яна тинчини топди.

**- Таҳририятимизга келишдан мақсад...**

- Жамшиджон Раҳмоновга газета орқали раҳматимизни айтмоқчи эдик. Дунё тургунча турсин. Айтишларича, ўзи яшаб турган юртдаги бир бандага яхшилик қилган инсоннинг Ҳажи шу ерда ҳам қабул бўлар экан.

Жамшиджон эса еттти нафар боламга яхшилик қилди. Илоё, Жамшиджоннинг мартабаси улуғ бўлсин! Янги йил оиласига бахту саодат, эзгуликлар олиб келсин!

**Биз ҳам ана шу эзгу тилакка чин дилдан қўшилдик.**

**ГУЛБАШАКАР**

# ДИЛОЗОР ҚЎШНИ

- Дардимни айтгани келгандим, - деди маъюс чеҳрали аёл.

**- Келинг, тортинмай гапиринг.**

- Мен эрим учун учинчи турмушидаги хотиниман, ўзимнинг эса биринчи турмушим. Яқинда қизимиз туғилди.

**- Нега ёш бўла туриб учинчи никоҳга рози бўлдингиз?**

- Эрим ёмон одам эмас. Тақдирида ёзилган экан, икки марта муҳим сабаблар билан ажрашган.

**- Ҳаммаси яхши экан, норозилигингизни боиси нима?**

- Турмушимдан нолимаяпман. Аммо ён қўшним ана шу тақдиримни юзимга солавериб юрагимни хун қилиб юборди.

**- Қўшнингизни сизнинг оилангизга нима иши бор?**

- Шуни айтинг. Мен ўзи кўпам қўшниларга аралашавермайман. Аммо фарзандлик бўлганимдан кейин баъзан тоза ҳавода айланиб турамиз. Қачон чиқсам ана шу қўшним уч- тўртта аёл билан ўтирган бўлади. Салом бериб ўтиб кетаётганимда гапга тутиб қолади-да, ёнидаги аёлларга мени: "Анаву мани рўпарамдагининг учинчи хотини-да", деб таништиради. Бир-икки марта индамай ерга қараб туравердим. Бир куни уйига меҳмонлар келган экан, "қарашиб юборинг", деб чақирди. Қўшничилик, деб чиқдим. Келган аёлларнинг бири, "Чаққонгина қиз экан", деса: "Бу қизмас, қаршимдаги уйга учинчи хотин бўлиб теккан", деди. Йиғлаб уйимга чиқиб кетдим. Эртаси куни яна уйига кирдим-да: "Фотима опа, нега унақа қиласиз. Мени ёмон кўрасизми?", - десам: "Вой, шунга шунчами, нима бўпти, учинчи хотинни учинчи хотин дейди-да", деб кулди. Ўшандан кейин умуман кирди-чиқди қилмай қўйдим. Тунов куни қайнонам келган эдилар. Бу ҳақда уларга айтиб бердим-да: "Сиз тушунтириб қўйинг, ҳар қалай каттасиз", дедим. Қайнонамнинг роса жахли чиқиб, эшигини тақиллатганди, уйида йўқ экан. Лекин тунов куни яна кўнглимни вайрон қилди. Олти ойлик қизчамизни кўриш учун шифокор келганди. У билан зинапоядан чиқиб келаётган қўшнимнинг гапини эшитиб қолдим. Шифокор унга: "Қўшнингизнинг қизини текширувдан ўтказиб кетай деб келаяпман", деса, Фотима опа: "Аёлнинг-ку биринчи фарзанди, аммо эркакнинг худо билади ўнинчи боласими?" дейди.

**- Сизда хусумати бормикан? Маҳалла маслаҳатчисига арз қилмадингизми?**

- Шу гапидан кейин маслаҳатчининг олдига бордим. Оқсоқол, участка нозири, маслаҳатчи иштирокида ўша аёлни эри билан чақиртиришди. Маҳалла фаоллари унинг бу қилиғи сабабини сўрашса: "Шунга шунча ваҳимами? Шунчаки айтган гапим", дейди. Маслаҳатчи опа: "Сенинг бир ўйламай гапиришингдан оила бузилиб кетиши, ёки бу аёл сиқилиб касал бўлиши мумкин. Ахир сен ўзинг ҳам ҳали билмайсан-ку тақдирингда нималар ёзиғлиқ", деди. Шунда аёлнинг эри опанинг гапларидан таъсирланди шекилли: "Опа, ҳозир жуда уятга қолдим. Қўшни синглимиздан мен узр сўрайман",-деди. Биз икки қўшни ярашган бўлдик. Аммо аёл эридан қўрққанидан мендан кечирим сўраса-да, ҳамон ўз айбини англамаганини сезиб турардим. Мен бирбиримизни ғийбат қилиб яшашни эмас, яхши-ёмон кунимизда яраб тургувчи қўшнилар бўлишни хоҳлагандим. Бундай ҳолатлар бошқа жойларда ҳам учраб турар. Шуларни ўйлаб бу воқеани айтиб бериш учун келгандим.

*Бу жувоннинг гаплари ҳақ. Ахир бошимизга бир ташвиш тушса жигаримиз, қариндошимиздан ҳам олдин хабар топгувчи қўшни бўлади. Ҳар биримиз ёнимиздаги хонадонда қадрдон инсонлар борлигидан хотиржам бўлиб яшайлик.*

**МАТЛУБА**

# ҲАЁТИМ ЎЗИМГА КЕРАК

Қўнғироқларингиз...

— Эрим менга уйлангунга қадар отаонамга "Қизингизга уйланмасам, бир умр хотинсиз ўтаман", дея еру кўкни титратганди,- дея йиғлаб юборди қўнғироқ қилаётган аёл. - Биз кўп вақт ижара уйда яшадик. Келажакда яхши яшашни ният қилиб, эримни олийгоҳда ўқитиш учун ҳамма нарсадан кечдим. Эрим ўқишни тугатгач, туманда адвокатликдан иш бошлаб, прокурорлик даражасигача кўтарилди.

13 йил бахтли яшадик. Аммо кунларнинг бирида эрим бошқа аёлни севиб қолганидан хабар топдим. Эрим: "Сен менинг тенгим эмассан. Юз-кўзларингнинг совуқлигига қара. Сен ҳам аёлмисан?", дея ҳақорат қиладиган бўлди. Эрим отаонаси билан тил бириктириб, ўша аёлга уйланиб олди. Буни эшитиб, "хонумонингга ўт қўяман", деб ўзимиз биргаликда тиклаган уйга олов қўйдим. Қолган нарсаларни эслолмайман. Кўзимни очсам, шифохонада ётибман. Мени кўргани ака-укаларимдан бошқа на фарзандларим, на эримнинг уруғлари келди. Эрим ажрашиш учун судга "Хотиним жинни, "вос-вос" бўлиб қолди", деб ҳужжат тўғрилабди. Ҳужжатга беш-олтита қўшниларим ҳам қўл қўйишибди. Шифохонадан чиққач, уйимга борсам кундошим кутиб олди. Энди бу уй уники эканлигини, фарзандларимга ҳам ўзи бош-қош бўлишини айтиб, мени ҳайдаб чиқарди. Отамникига қайтиб келдим. Ака-укаларимнинг ёрдами билан шифокорларнинг кўригидан ўтиб, жинни эмаслигимни исботладим. Менга берган жабрлари учун суд эримдан анча пул ундириб берди. У ўзим яшаётган тумандан "дом" ҳам сотиб олиб берди. Ўзи эса ишдан бўшади. Қонун ҳақ-ҳуқуқимни ҳимоя қилиб, обрў-эътиборимни, ишимни тиклаган бўлса-да, фарзандларсиз ҳаёт маънисиздек туюларди. Қайнонам уйимга: "Набирам сен билан яшай қолсин. Уни яхши тарбиялагин",-дея қизимни етаклаб келди. Қизимни бағримга босиб, тўйиб йиғладим. Шунча кўрган азиятларим тарқагандек бўлди. Қизимнинг ортидан болаларим ҳам бирин-кетин мени кўргани келишаяпти.



**- Кундошингиз билан алоқангиз қандай?**

- У эримга текканида 21 ёшда эди. Эримнинг менга қилган ноҳақликлари бегуноҳ болаларига уриб, кундошимнинг иккала боласи ҳам ногирон туғилди.

**- Эрингиз шундан хулоса чиқариб, сиздан кечирим сўрамадими?**

—Ўтган йили кутилмаганда эрим туғилган кунимда кириб келди. "Сен турмушга чиқмоқчи эмишсан. Турмушга чиқмагин. Яна оиламизни тиклайлик", дея оёғимга йиқилиб, кечирим сўради. Мен эримни кечира олмадим.

Яқинда хотини вафот этган, ҳаётнинг оқ-қорасини тушунган ёши улуғ бир одам менга уйланмоқчи бўлиб оғиз солди. Қизим эса турмушга чиқишимга қарши бўлаяпти. Мени фарзандларим ҳам тўғри тушунишсин. Энди ўзим учун яшамоқчиман...

**Раъно опага қандай маслаҳат беришни билолмай қолдим. "Кенгашли тўй тарқамас", дейишган. Азизлар, балки юқоридагиларни ўқиб, сизда бирор фикр туғилгандир? Хатларингизни кутамиз.**

**Адиба УМИРОВА**

# КЎНГИЛГА ОЗОР ЕТМАСИН

**"Нега шунақамиз", 43-сон**

**ЭСЛАТМА: Қизимни боғчага жойлаштириш учун борганимда мудира оддийгина кийимимга қараб, жой йўқлигини айтди. Кейинги сафар башанг кийиниб бордим. Мудира бу гал очиқ чеҳра билан кутиб олиб, қизимни боғчага қабул қилди.**

**Ҳулкар ҲОТАМБОЕВА**

Мақолани қизиқиш билан ўқиб чиқдим. Мақола кимларгадир икир-чикир, майда гап бўлиб туюлиши мумкиндир, аммо бу кўпчиликнинг кўнглидаги бор гап.

Бундан 3-4 йил муқаддам яқин қариндошларимдан бири онаси вафот этиб, азадор бўлиб қолди. Урфодатимизга кўра, кўк кўйлак кийиб, рўмол ўраб юрган пайтлари эди. Эри ва қайнонасининг маслаҳати билан кичик қизчасини боғчага бермоқчи бўлишди. Йўлланма билан боғчаларнинг бирига қизчани олиб боради. Башанг кийинган, димоғдоргина мудира аёл уст-бошига менсимай назар солади ва "жой йўқ", дея қўпол муомала қилади. Аёл,-"Менга шу боғчада жой бор дейишди, шунинг учун боламни олиб келдим. Олмасликка ҳаққингиз йўқ", - дейди. Мудира бир оз сукут сақлаб, эрининг иш жойини сўрайди.

Мудира аёлнинг эри ҳуқуқ органида яхшигина лавозимда ишлашини билгач, бутунлай бошқа қиёфага киради ва қизчани боғчага олишини айтади. Нега шундай? Ҳақиқатан ҳам нега? Ҳа, баъзан қулоққа шундай гаплар чалиниб қолади: Баъзи боғчаларда боланинг ота-онасининг иш жойига қараб қабул қилинар экан. Сабаби, боғча учун керакли жиҳозлар ўша "бойвачча" ота-оналар зиммасига юкланар экан. Бир боғчада Наврўз байрамига тайёргарлик кўрилаётган экан. Гуруҳлардан бирининг тарбиячиси қизалоқларга байрам куни оқ кўйлак кийишларини ва бир кун аввал олиб келиб кўрсатишларини айтади. Қурби етган




ота-оналар қимматбаҳо оқ матодан бир хил қилиб, янги кўйлак тиктириб беришади. Ўртаҳол оиладан бўлган биргина қизча опасининг оқ кўйлагини олиб келади. Буни кўрган тарбиячи: "Ие битта кўйлак тикиб беришга онангнинг қурби етмадими? Бу эски-ку", - дейди. Қизчанинг кўнгли чўкиб уйга боради ва онасига:

- Мен энди боғчага бормайман, байрамда ҳам қатнашмайман, кўйлагим эски", - дея хархаша қилади. Бундан онанинг кўнгли ранжийди ва боласини боғчага жўнатмай қўя қолади. Ўша тарбиячи қизчанинг оилавий аҳволини тушунганида бундай ҳол юз бермаган бўларди. 1-2 соатлик байрам ўтарди, кетарди. Энди мана бу воқеани қаранг.

Қўшнимнинг кайфияти йўқлигини кўриб: "Нима бўлди, сизни биров хафа қилдими", деб сўрасам, "ёрилди". "Эй кеча эримнинг бир қариндоши тўй қилган эди. Уч киши бўлиб тўйга бордик. Тўй қилаётган аёл бизни яхшигина кутиб олди ва юқорига казо-казо, қудаандаларининг олдига олиб бориб ўтқазди. Кейин ҳалиги иккита шеригим билан қуюқ ҳол-аҳвол сўрашиб кетди. Мен бир чеккада қолиб кетдим. Уларнинг олдига ҳар хил мева-чева, ширинликлар олиб келиб қўйди, чой узатди. Менга номигагина "олинг" деб қўйди-да, уларга "еб-ичиб ўтиринглар, олинглар", деб нари кетди. Ёнимда ўтирган аёллар олдида жуда мулзам тортдим. Ўзимни камситилгандек ҳис қилдим. Ўзи шу тўйга оёғим тортмай, эримнинг юзидан ўтолмай борган эдим. Дилим хуфтон бўлиб қайтдим.

"Нимага ундай дейсиз, нега ўша аёл сизга шунақа муомала қилди", дея сўрадим мен. "Ҳа, уларнинг эрлари топармон, тутармон одамлар. Қулоқларида қимматбаҳо балдоқлар, қўлларида салкам ярим миллионлик билакузуклар, кўйлаклари ҳам энг сўнгги модадагиси эди. Мен эса тақинчоқларсиз, оддийгина кийиниб борган эдим, - деди хўрсиниб.

Бировларни камситиб, дилини оғритиш ҳам менимча катта гуноҳ. Нега энди кийим-кечагига, тилла тақинчоқларига қараб, баъзан одам ажратамиз. Ахир одамнинг фақат ташқи кўриниши эмас, ички дунёси ҳам, қалби ҳам гўзал бўлиши керак-ку? Ҳа, мансаб, бойлик вақтинча, пул эса қўлнинг кири. Бугун бор бўлса, эртага йўқ. Инсоннинг кўнгли эса гулдан ҳам нозик. Уни камситиб, оёқости қилишга, топташга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ.

**Дилбар ЭРНАЗАРОВА,**
**Гулистон шаҳри.**

# ЧЕКИШДАН ВОЗ КЕЧИНГ!

**"Тамаки борми, амаки?" - 10-сон.**

**ЭСЛАТМА: Балоғат ёшига етган Мансуржон кунига 10-15 дона сигарет чекиши мени даҳшатга солди.**

**Адиба УМИРОВА**

Мақолани ўқирканман, бир ҳикоя ёдимга тушди...

Савдогарлар бозорга биринчи марта тамаки олиб келишганда бир доно одамларга: "Тамаки соғлик учун зарар келтиради", деб айтган экан, бозор касод бўлиб, тамакини ҳеч ким олмай қўйибди. Бундан норози бўлган савдогарлар тамаки ҳақида ўз фикрини ўзгартиришни донодан илтимос қилибдилар. Шунда доно: "Халойиқ! Тамаки чекканларни ит қопмайди, уйига ўғри тушмайди, қаримайди", дебди. Дўстлари донодан:

"Бу нима деганингиз, олдин тамаки кони зарар, чекманг, деган эдингиз-ку?" деб сўрашибди. Доно: "Тамаки чеккан киши ҳассага таяниб қолади, ҳассалик кишини ит қопмайди. Чеккан одам доим йўталади, ўғри уй эгаси бедор экан, деб кирмайди, чеккан одам қаримасданоқ ёш ўлиб кетади", дебди.

Дарҳақиқат, чекиш инсонларнинг бевақт оламдан кўз юмишига сабаб бўлмоқда. Ер юзида бир йилда 4 млн. киши кашандалик туфайли ҳаёт билан видолашмоқда.

Чекадиган одамлар чекмайдиганларга қараганда 6-10 йил кам яшайдилар. Ашаддий кашандалар эса ўз умрларини 15 йилга қисқартирадилар. Хўш, нега шундай? Гап шундаки, тамаки баргида жуда кўп органик моддалар бўлади. Чекилганида тамакининг қуруқ ҳайдалиши рўй беради ва қатор заҳарли маҳсулотлар ҳосил бўлади, улар тамаки тутуни билан бирга киши организмига тушади. Никотин кислота, аммиак, қатрон моддалар, фенол, ацетилен ва бошқалар асосий заҳарли моддалар ҳисобланади. Заҳарли моддалар сутка мобайнида чиқиб туради, организмда узоқ турмайди, демак "унинг таъсири унча хавфли бўлмайди", деб айрим кашандалар нотўғри хулоса чиқарадилар. Лекин кашанда доимо чекиб туради, бинобарин, заҳар организмга тинмай тушиб туради. "Томчи тошни емирар", деган мақолни бундай киши эсласа ёмон бўлмас эди. Тамаки тутуни киши организмининг кўпгина орган ва тизимларига таъсир қилади. Ҳазм қилиш, юрак-томир, нафас фаолияти бузилади. Никотин сил ва ўпка раки ривожланишига туртки беради. Аёлларда асоратли ҳомиладорлик, чала туғиш сингари салбий ҳолатлар кузатилади. Кўз хира тортади, эшитиш қобилияти сусаяди. Қон айланиши бузилади. Қуруқ йўтал пайдо бўлади. Юрак хасталиги, ошқозон (меъда) ярасига мубтало бўлишига замин яратади. Шу билан бирга тамаки чекилганда эркак жинсий гармонлари ишланиб чиқиши ҳам сусайиб, мижоз сустлиги келиб чиқади.

Чекадиган ҳомиладор аёллардан соғлом бола туғилмайди. Ҳар куни 10 донадан ортиқ сигарета чекадиган ҳомиладор аёлларнинг 40 фоизида талваса ва эпилепсиянинг тез-тез тутадиган хуружига мойил болалар туғилиши мумкинлиги аниқланган.

Кўп чекадиган аёллардан дунёга келган болалар туғилганидан кейин ҳаётнинг биринчи уч ойида никотин етишмаслигидан йиғлар эканлар, чунки улар она қорнида никотинга ўрганиб қолган бўлади. Чекувчиларнинг тиши қимирлаб қолади. Натижада тишларнинг тушиб кетиши ва милкнинг яллиғланиши юзага келади.

Узоқ йиллар давомида чекадиган одам нима учун бу зарарли одатдан қутула олмайди, деган савол туғилиши табиий. Агар ирода мустаҳкам бўлса, албатта ҳар қандай ёмон одатдан қутулиш мумкин. Чекишни ташлашни истаган киши қуйидаги тўртта қоидага амал қилиши керак:

**Биринчи:** чекишнинг киши организмига зарарли таъсир қилишини билиш;

**Иккинчи:** тамаки чекишни бирданига, бутунлай ташлаш;

**Учинчи:** чекишни ташлаш учун қулай пайтни танлаш (масалан: ҳафта охири, таътил ва ҳоказо);

**Тўртинчи:** кишига атрофдагилар—қариндош-уруғлари, бирга ишлайдиган ходимлар, ўртоқлари ёрдам бериши даркор.

Чекишни ташлаган биринчи кунларда чекувчига анча қийин бўлади. Яхшиси узоққа чўзмасдан чекишни бирданига ташлаган маъқул. Дастлабки кунларда салга тутақиш,иш қобилияти пасайгандек бўлиши мумкин. Лекин булар асар қолдирмай ўтиб кетади ва одам ярамас одатдан қутулади.

Шу билан бирга катталар ёшлар олдида сигаретани ҳадеб чекмаслиги керак. Халқимиз: "Қуш уясида кўрганини қилади", деб бежиз айтмаган.

**Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ,**
**доришунос**

# ЯРАШИБ КЕТИШИНГИЗГА ИШОНАМАН...

**"Рашк қилмаганида эди" - 24-сон**

**ЭСЛАТМА: Биз севишиб турмуш қургандик. Аммо эримнинг ноўрин рашк қилишлари сабаб оиламиз бузилиб кетди. Чунки унинг мени ҳар кимдан қизғаниб калтаклаши, асабийлашиши ҳатто ишламай ичиб юришидан зада бўлдим.**

**ГУЛБАШАКАР**

Рўзғори бут, икки фарзандли оила рашкнинг аёвсиз зарбаси туфайли пароканда бўлиши, болаларни отадан айро яшаб, тарбияси чала қолиши бизни айрим мулоҳазаларга ундади. Рашк ишонч ва ҳурматнинг танқислигидан келиб чиқишини тасаввур этдик.

Раънохон, онаизорингиз рашкнинг ёмон эканлигидан, учқунлигида хавфли бўлмаса-да, аланга чиққан онлари бешафқат кечишини тўғри огоҳлантирган эканлар. "Жиловланмас рашк, - дейди Волтер, - ичиқоралик ва манманликдан ҳам, кўпроқ жиноятларни келтириб чиқаради... "Рашкнинг бир фоизи муҳаббатдан бўлиши мумкин, қолган тўқсон тўққиз фоизи манманликдан иборат", - деб унинг фикрига қўшилади француз адиби Ф.Ларошфуко.

Эр-хотин муносабатлари мақолларда ҳам ўз аксини топган. Озарбайжон мақолида: "Эр-хотиннинг жанжали-ёзнинг ёмғиридай гап", дейилади. Япон халқининг мақолида янада тўлиқроқ жавоб келтирилади. "Эр-хотиннинг уриши - ғарбдан эсадиган шамолдай тун кириш билан босилади, тоғдан оққан лойқа сув каби тез ўтади". Ўзбек мақолида: "Эр-хотиннинг уриши - дока рўмолнинг қуриши", деб таърифланади.

Эркак кишининг аёлини рашк қилиши, қизғаниши иймондандир. Қизғанса, демак, севар экан, бало-қазолардан асрайди, ҳимоячи бўлади. Аёл киши ожиза, эркак доимо унинг ҳимоячисидир. Хотинидан бошқаси кўзига кўринмайдиган эркаклар рашкни ҳам жойига қўйиб қўяди. "Эркак рашк қилмайдиган оила совуган ошга ўхшайди", дейишади.

Оилани мустаҳкам боғлаб турувчи ришта - фарзандлардир. Кимки фарзандини севмаса, бу дунё учун ортиқчадир. Раънохон ва Комилбек! Иккингиз фарзандларингизнинг ҳаққи-ҳурмати бир-бирингизни кечиринглар! Ўзини ва оила аъзоларини ҳимоя қилишга қурби етмаган киши бошқа ҳеч кимни ҳимоя қилолмайди.

Қай бирингиз биринчи бўлиб қўл чўзаркансизлар, биринчи навбатда Аллоҳ ўшани қўллайди. Ҳар куни эрталаб ўрнингиздан турар экансиз, ўнг оёқни олдинга босиб, худога шукр қилинг-да, юрагингизга эзгуликни жо айлаб, яхшилик уруғини сепишга шошилинг. Яхшилик уруғини сепиш учун муайян давр кутилмайди. "Эр-хотин - қўш ҳўкиз", дейди халқимиз. Қўш ҳўкиз омочни баравар тортгани сингари, эр-хотин ҳам уй-рўзғор ишларини баравар қилиши, бир-бирига кўмаклашиши, ҳамкорлик қилиши керак.

**Мерган БЎМАТОВ,**
**Самарқанд шаҳри.**

# ТАБРИКЛАЙМИЗ

Умр йўлдошим
Ҳурибону АБДУҲАКИМ қизи!



Табаррук 60 ёшингиз қутлуғ бўлсин. Умрингизга умр қўшилсин. Илоё, иккимизга қўша-қариб, фарзандлар бахтини кўриб юриш насиб этсин.

Эҳтиром ила
жуфти ҳалолингиз Файзулла Ҳожи.

Ҳурматли Холиёр ота САИДОВ!

Сизни 80 ёшингиз билан табриклаймиз. Соғлиқ-саломатлик, узоқ умр, бахт-саодат тилаймиз.

Невардангиз Қарши Назаров.
Қамаши тумани, Калтатой қишлоғи.

Синфдошим Лочинбек ТОШЕВ!

Сизни туғилган кунингиз билан табриклайман. Ҳамиша соғ-омон бўлинг.

Синфдошингиз Ўлмас Дўстмуродов,
Қашқадарё вилояти, Касби тумани

Меҳрибон қизимиз
МАЪМУРАХОН!



Туғилган кунинг билан табриклаймиз. Умринг узоқ, яхшилар ва яхшиликлар доим ҳамроҳинг бўлсин.

Яқинларинг.
Қорақалпоғистон Республикаси, Шуманай тумани.

ИБРОҲИМЖОН ака!



Табаррук 60 ёшингиз муборак бўлсин. Сизга мустаҳкам соғлиқ ҳамда оилавий бахт тилаймиз.

Яқинларингиз номидан ўғлингиз Юсуфжон, укангиз Исмоилжон.

Дўстимиз БАХТИЁРЖОН!

Мучал ёшингиз билан табриклаймиз. Сизга соғлиқ ва бахт тилаймиз.

Дўстларингиз Иброҳимжон, Ўринбой

ТАТУдан **ДЎСТМЕТОВ СУХРОБ ОДИЛЖОНОВИЧ** номига берилган 41403 ТУ рақамли гувоҳнома йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

**"DURDONA-MUNIS"** масъулияти чекланган жамиятининг фаолияти бекор қилинган эди. У ўз фаолиятини тиклаб яна давом эттиради.



**Суратда: Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туманидаги 33-оилавий поликлиника бўлим мудири, травматолог-шифокор Фахриддин АБДАЗОВ.**

- Кўпгина ҳолларда оёғи чиққан ёки суяги дарз кетган беморлар ўз билганича даволанаман, деб касалликни ўзказиб юбориши ёмон оқибатларга олиб келади. Шунинг учун бемор ўзида салбий ўзгаришларни сезиши биланоқ дарҳол шифохонага мурожаат этиши зарур, - дейди қаҳрамонимиз. - Турмуш ўртоғим Розахон ҳам шифокор. Ҳаёт йўлларида ҳамфикр, ҳаммаслакмиз. Бир ўғил, икки қизимиз бор. Фурсатдан фойдаланиб, касбдошларимни, юртдошларимни кириб келаётган янги йил билан чин юракдан табриклайман.

**Миробид МИРСОДИҚОВ**

# МИЛЛИЙ, ҲАЁТИЙ ГАЗЕТА

*Обуна—2007*

Севимли "Оила ва жамият" газетаси таҳририяти! Сизларга шуни мамнуният билан хабар қиламанки, педагогика коллежимизнинг ахборот ресурслар маркази раҳбари Гулбаҳор Шокированинг саъйи-ҳаракати билан "Оила ва жамият" газетасига 60 дона обуна бўлинди. Жумладан 30 нафар ўқитувчи, 30 нафар гуруҳлар оммавий обуна бўлишди. Ўқитувчилардан М. Эгамова, С. Мусурмонова, Д. Шомилова, Н. Ҳакимов, А. Турсунов, Г. Тўхтаева, Ш. Собирова ва Комила биринчилардан обуна бўлишди. Дарҳақиқат, газетангиз саҳифаларидаги мақолалар миллийлиги, ҳаётийлиги, тарбиявий аҳамияти билан жамоамиз аъзоларини фикрини, дунёқарашини ўзига жалб эта олди. Шу йўналишда бораётганлигингиз, ижодий салоҳиятингизнинг юксалаётганлиги, муштарийлар сони ортиб бораётганлиги билан сизларни яна бир бор қутлаб қоламан.

**Гулбаҳор БОЗОРОВА,**
**Каттақўрғон шаҳридаги педагогика коллежи ўқитувчиси.**

**"ЗИЁ-НУР" ЎҚУВ КУРСИ:**

- Бичиш-тикиш 4 ой;
- Парда тикиш - 1 ой (амалиёти билан);
- Торт ва турли пишириқлар- 3 ой. 1 ой - олий курс;
- Ҳамширалик - 6 ой;—(2 ой амалиёт)
- Уйғурча таомлар- 2 ой;
- Оқшом либослари - 1 ой;
- Компьютер саводхонлиги - 2 ой;
- Массаж - 2 - ой;
- Бисер тикиш - 3 ой;
- Аёллар сартароши - 3 ой.

**Ўқишга қабул ҳар куни. Ўқишни тугатганларга диплом берилади.**

Манзил: Буюк ипак йўли, 123 - уй, 104 - хонадон. Мўлжал: Метронинг "Буюк ипак йўли" бекати, "Саёҳат" меҳмонхонасининг ёнида жойлашган. Тел: 360-43-83 (иш тел. 8:00 дан 17: 00 гача) 222-73-73, 155-63-70 (Раъно)

# БУРЧИНИ УНУТГАНЛАР

*Қилмиш-қидирмиш*

Одатда, оила қўрғони бузилиб, эр-хотин ажрашиб кетгач, ўртада фарзандлар бўлса, уларнинг таъминоти учун алимент ундириш белгилаб қўйилади. Энг ачинарлиси, барча оталарнинг ҳам суднинг ҳал қилув қарорида белгиланган тартибда фарзандларини моддий таъминлашга - алиментни ўз вақтида тўлаб боришга бўйни ён бермайди. Хусусан, Тошкент шаҳар Собир Раҳимов туман суд ижрочилари бўлинмасига якунланаётган йилнинг шу кунига қадар айнан алимент ундиришга доир 416 та ижро хужжатлари келиб тушган. Шундан 14 та ҳолатда қарздорлар алиментни узлуксиз уч ойдан ортиқ вақт мобайнида тўламаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 122-моддаси билан жиноят иши қўзғатилди. Шулардан 1 та иш бўйича суд қарори билан қарздорга тегишли бўлган мол-мулклар хатланиб, олиб чиқиб кетилган. Фарзандлари таъминотидан бўйин товлаб қочиб юрган олти нафар отага нисбатан эса тегишли тартибда қидирув эълон қилинди.

Мана бир неча мисоллар. Уч фарзанднинг отаси бўлган А. Камилов Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик ишлари судининг ҳал қилув қарорини бажармай қочиб юрган. Унга нисбатан қидирув эълон қилинди ҳамда собиқ турмуш ўртоғи Г. Комилова фойдасига 330 минг сўм алимент ундириб берилди.

Н. Назаров ҳам бир нафар фарзандининг таъминоти учун ойлик маошининг 1/4 қисми миқдорида алимент, ҳамда у уч ёшга тўлгунича ҳар ойда 6350 сўмдан нафақа тўлаб бориши керак эди. Афсуски, у фарзандини ота меҳридан мосуво этгани етмагандек, моддий таъминот беришни ҳам истамай қочиб юрган. Шу сабабли унга нисбатан жиноий иш қўзғатиш масаласида судга тақдимнома киритишга мажбур бўлдик. Тергов давомида Н. Назаров барча қарзларини тўлади. Аммо бу нарса уни Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 122-моддаси билан жавобгарликка тортилишдан озод этмади.

Айрим ҳолларда қарздорлар алиментни камроқ миқдорда тўлаш учун даромадининг ҳақиқий миқдорини яширишга ҳам уринадилар. Шу боис ўтган даврда биз 29 та ижро хужжати бўйича корхона, ташкилот ва муассасаларнинг ҳисобхоналарини текширдик. Қарздорларнинг иш жойи ва қўшимча даромадларини аниқлаш учун давлат солиқ инспекцияларига қатор сўровномалар киритганмиз.

Ниятимиз, оилалар пароканда, норасида гўдаклар тирик етим бўлмасин, оилаларнинг бахтига, тўкислигига кўз тегмасин.

**И. ҚОДИРОВ,**
**Тошкент шаҳар, Собир Раҳимов туман суд ижрочилари бўлинмаси катта суд ижрочиси.**
**Р. ХАЙДАРОВ,**
**шу бўлим суд ижрочиси.**

# СЕЛДАН ОМОН ҚОЛДИМ...

*Туш таъбирномаси*

Тушда бўлган воқеалар ҳам баъзан инсон ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам берар экан. Бир куни катта амаким мана бу воқеани айтиб берди.

Шаҳардаги холам тўй қилаётганди. Мен тўйга аталган майда-чуйдаларни олиб оқшомда жўнаб кетишим керак эди. Лекин машинам бузилиб қолиб бу ишни эртасига қолдирдим. Машинани ярим тунгача кавлаштириб тузатганимдан сўнг, чарчаб ухлаб қолибман. Тушимда марҳум отамни кўрдим.

У довондаги иккита йўл бурилиши ёнида турганмиш.

- Бахтиёр, ўғлим! Сен эртага юқоридаги йўл билан кетгин. Пастликдаги йўлдан юрмагин. Жуда хавфли, - дермиш-да ҳассаси билан юқори томондаги йўлни кўрсатармиш. Тонгда уйғониб, бир пиёла чой ичдим-да, йўлга тушдим.

Катта йўлга чиққанимда шаррос ёмғир қуйиб юборди. Шунақа ёғардики, сира йўлни кўриб бўлмасди. Довондаги иккита йўл бурилиши олдига - тушимда отам турган жойга келганимда машинамни бирпас тўхтатдим. Пастки йўлдан кетмоқчи бўлдим, чунки у юқори йўлдан кўра яқинроқ эди. Лекин кўрган тушимни эсладим-да, юқори йўлга машинамни бурдим. Мендан олдинда бир қизил машина кўринганди. У пастки йўлдан кетди. Мен отам кўрсатган йўлдан борардим. Кутилмаганда йўл устидаги сойлик ўртасидан гувиллаб лойқа сув, тош ва дов-дарахтларни оқизиб сел оқиб ўта бошлади. Мен ўн метрлар нарида машинамни тўхтатиб селга қараб турардим.

Бир соатдан сўнг у тўхтади. Йўлда бир-иккита шох-шабба ва кичик тошлар қолди. Мен машинадан тушиб уларни йўлдан олиб ташлаб йўлимда давом этдим. Эртасига эса ўша қизил машина эгаси Ғаффор акани машинаси билан сел оқизиб кетганини эшитдик. Агар тушимни кўрмаганимда табиийки мен ҳам ўша йўлдан кетган ва ҳалокатга учраган бўлардим.

**Шаҳноза МИРСОДИҚОВА,**
**300-лицей мактабнинг 11-синф ўқувчиси.**

# МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

**ҚЎЙ (21.03 — 20.04).**- Гарчи Янги йил байрамига ҳали анча вақт бўлсада, сиз ҳозирданоқ байрамона кайфият оғушида бўласиз.

**СИГИР (21.04 — 21.05).** - Сизни анчадан бери ўйлантириб юрган муаммо шу ҳафтада ҳал бўлади. Бу эса ишингизнинг ривожига ижобий таъсир кўрсатади.

**ЭГИЗАКЛАР (22.05 — 21.06).** -Зарурат юзасидан сафарга чиқишингиз эҳтимоли бор. Ўйлаган ишларингизни тўлиқ уддалаб қайтасиз.

**ҚИСҚИЧБАҚА (22.06 — 22.07).** - Кейинги пайтларда ўзингизни ланж сезаяпсиз, сизга жўшқинлик етишмаяпти. Вақтингизни дўстлар даврасида, кўнгилочар тадбирларда ўтказишга ҳаракат қилинг.

**АРСЛОН (23.07 — 23.08).** - Атрофдагиларнинг сиз ҳақингиздаги фикрлари қандай бўлиши ўзингизга, хатти-ҳаракатларингизга боғлиқлигини унутманг.

**БОШОҚ (24.08 — 23.09).** - Кутилмаган танишувлардан эҳтиёт бўлинг. Улар ҳаётингизни издан чиқариб, остин-устун қилиб юбориши мумкин.

**ТАРОЗИ (24.09 — 23.10).** - Раҳбарларингиз сиздан кўп нарса кутишаяпти. Уларнинг ишончини оқлашга, нималарга қодирлигингизни кўрсатишга ҳаракат қилинг.

**ЧАЁН (24.10 — 22.11).** - Соғлиғингизга эътиборлироқ бўлмасангиз, байрам кунларини тўшакда, хатто шифохонада ўтказишингизга тўғри келиши мумкин.

**ЎҚОТАР (23.11—21.12.).** -Гарчи ишларингиз кўпайиб кетса-да, кўнглингизга яқин инсонлар билан учрашишга ҳам вақт топганингиз маъқул.

**ТОҒ ЭЧКИСИ (22.12—20.01).**-Кичикроқ харидлар учун қулай ҳафта, аммо йирик нарсалар сотиб олишни кейинроққа қолдирсангиз яхшироқ бўлади. Дам олиш кунлари меҳмон кутасиз.

**ҚОВҒА (21.01 — 18.02).** - Яқин кишиларингиздан бири ишончингизни пучга чиқариши мумкин. Бу сизга анчагина моддий зарар келтиради.

**БАЛИҚ (19.02 — 20.03).** -Ўта жиддийлик ҳам яхши эмас. Кувноқроқ бўлишга ҳаракат қилинг. Бу нарса соғлиғингиз учун ҳам фойдали.



Ўғил бола исми

Гул

... оққан сувнинг қадри йўқ

Европа давлати

... Ли (актер)

Юридик хизмат

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Вакил, ноиб

Асал

Ишон (синон.)

Сувдаги қуруқлик

Увол

Бино

... Даби

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Ака-ука эртпкчилар

Бирла

Қунт, эътибор



Атоқли

Энага, акушер

Жайрон

Чеҳра

Машҳур рус хонандаси

Маишат

Ўзбек актрисаси

"Икки эшик ..."

Бало

Печене тури

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Мансаб

Дворян унвони

Идиш тури

Ел, насим

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Йирик насрий асар

Ифор, ҳид

Суст, ланж

Томир

Телефон станцияси

Табиат ҳодисаси

Маугли айиғи

Зиндон

Туман (Фарғона)

Ҳайқириқ

Озор, уқубат

Омонат

Мустақиллик

Икки (тожик)

Сув ҳайвони

Мисол, масала

Юпитер йўлдоши

Миллий мато

Норвегия

Кашфиёт

... Мон (хонанда)

Охир (адабий)

... фон Бисмарк

Чин юракдан

Темир чириши

Етук, расо

Қўшин, армия

Рўзғор анжоми

Толибжон ...

Қитъа, ҳудуд

Доктор

Нима (шакли)

100 йил

Жамол

Сантиметр

Памперс

ОИЛА ВА ЖАМИЯТ

Оғиздаги аъзо

Моҳир, ас

Ранж

Нота

Олмош

Мушфиқ

Иғво

Гектар

Ўғил бола исми

Камёб

... Гуд

Шаҳар (Туркия)

Гул тури

Қадим шашка

Жамият ячейкаси

Европа миллати

...-Товоқ

Сериал номи

... Блэр

Антик Волга

... кам дунё

Дарё номи

...-чечак юриш

Озода, тоза

Анча

... йўқ кесак

Ҳажвия

Италянча "ҳа"

Ўша (шева)

Ёзувчи аёл

X

Зум, лаҳза

Пинҳон, маҳфий

"... Чечаги"

... Фигу

Обҳаво

... Дубова (хонанда)

## ШЕЪРИЯТ ДАФТАРИДАН,

**Ушбу шеърлар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситаларини ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди тавсияси билан чоп этилмоқда.**



### ХИЁНАТДАН САҚЛАГИН

*Иймону эътиқод фаришта каби*
*Бизни ёмонликдан қилар ҳимоят.*
*Дўстликнинг муқаддас қонунлари бор,*
*Уларни бузишлик оғир жиноят.*

*Минг йилки аслида жиноят эмас,*
*Хиёнат кемирар инсон бағрини.*
*Энг оғир жиноят, ишонч қадрини,*
*Сўнгра топтасалар инсон қадрини.*

*Кимнингдир дилига бердингми озор,*
*Жазойинг тайиндир, энди хушёр бўл.*
*Бир гўдак жилмайиб, талпинса сенга,*
*Энг оғир жиноят узатмасанг қўл.*

*Севгилинг умид-ла жавдираб қарар,*
*Эсингдами ўшал ваъдалар, дея.*
*Аслида, жиноят дамин кесмоққа,*
*Бир оғиз ширин сўз эрур кифоя.*

*Жиноят қилмоқ-чун ўткир тиғ олиб,*
*Шарт эмас babirovнинг кўксига санчиш.*
*Минглаб зарбалардан даҳшатлироқдир,*
*Инсонлар кўнглини ноҳақ ранжитиш.*

*Қонун китоблари семирар ҳар кун,*
*Инсонлар кашф этган жиноятлардан.*
*Соғ-омон сақлагин бизни, эй тангрим,*
*Қонунга бўйсунмас хиёнатлардан.*



### МЕҲР ҚУЁШИ

*Бировлар тириклик гаштини суриб,*
*Ҳаётдан бир умр ғофил ўтади.*
*Бировлар эзгулик қасрини қуриб,*
*Меҳрини қуёшдай сенга тутади.*

*Яхшилик роҳидан ўтмаганлар бор,*
*Қишда қор сўрасанг, бетни буради.*
*Баъзида юрагинг илиқ сўзга зор,*
*У нокас қопади, бетга ҳуради.*

*Бировлар бир умр яхшилик кўриб,*
*Яхшилик нелигин билмай ўтади.*
*Мансабга илашса, тепада туриб,*
*Сени назар-писанд қилмай ўтади,*

*Менинг ҳам кўнглимда ётар чўнг армон,*
*Вужудда тўлғанар ғанимнинг нишин.*
*Яхшилик шундайки, дилларга дармон,*
*Нокасни қочирар яхшининг иши.*

*Дўст, қандай унутай қуёш меҳрингиз,*
*Суянчим, таянчим, собит қанотим.*
*Дилимга таскин-у нажот бердингиз,*
*Яхшилар меҳридан яшнар ҳаётим.*

*Ярқираб турибди уч Зуҳро юлдуз,*
*Зар қуёш порласин арконингизда.*
*Яхшилар меҳридан тун бўлар кундуз,*
*Яхшилар кўпайсин осмонингизда.*

Исматулло ЙЎЛДОШЕВ



# НИМА? НЕГА? НИМА УЧУН?

### НУЖ НИМА?

НУЖ аслида "номаълум учувчи жисмлар" сўзларининг бош ҳарфларидан ясалган бўлиб, баъзида осмонда кузатиладиган ғайриоддий жисмларни ифодалаш учун мана шу атама қўлланилади. У инглизчада "UFO" дейилади. "Уфология" фанининг номи ҳам ана шундан олинган. Одатда, НУЖлар деганда метеоритларни, Қуёш нурини қайтариб, акс бераётган шар-зондларни, Ернинг сунъий йўлдошларини ёки нималигини аниқлаб бўлмайдиган оптик ҳолатларни тушуниш керак. Баъзи кишиларнинг ҳамда уфолог олимларнинг НУЖлар ўзга сайёраликларнинг космик кемалари эканлиги ҳақидаги фикрлари ҳали фанда ўзининг исботини топгани йўқ.

### ЎЗГА САЙЁРАЛИКЛАР КИНОДА...

Ўтган асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб ғарб адабиётида ва кино саноатида ўзга сайёраликлар ҳақидаги асарлар кўплаб яратила бошланди. Айниқса, Голливудда яратилган қатор фильмларда ўзга сайёраликларнинг аксарият ҳолларда Ерни босиб олиш мақсадида учиб келишлари тасвирланади. "Оламлар жанги", "Ерга ултиматум", "Мустақиллик куни", "Марс ҳужум қилмоқда!" каби кино асарлар шулар жумласидандир. Сўнгги йилларда ҳинд киносида ҳам шу мавзуга қўл уришга уринишлар кузатилмоқда. Ўзбек телетомошабинларига яхши таниш бўлган "Жоду" фильми бунга мисол бўла олади.



Киноларда ўзга сайёраликлар турли кўринишда тасвирланади. Бир нарса маълумки, ҳалигача фанда ўзга сайёраларда ҳаёт борлиги исботланмаган. Бундан аввалги мақолаларда таъкидланганидек, Қуёш системасидаги Ердан бошқа бирорта сайёрада ҳаёт кечириш учун етарли имконият ва табиий шароит мавжуд эмас. Шу боис кинодаги ўзга сайёраликларни ижодкорларнинг ҳаёлоти маҳсули, дейиш мумкин.

### ЕР ҚАНДАЙ ШАКЛДА?

Ер Борлиқдаги кўплаб сайёраларнинг биридир. Ҳажм ва вазн жиҳатидан Ердан ўн, ҳатто юз марталаб катта бўлган сайёралар бор. Аммо уларнинг бирортасида ҳаёт кечириш учун Ердагидек табиий шароит мавжуд эмас.

Ер шар шаклида, бошқача айтганда, у футбол коптогини эслатади. Фақат у копток каби дум-думалоқ эмас, балки қутбларда сал чўзинчоқроқ. Бунинг маъноси шуки, агар биз Ер шарини экватор чизиғи бўйлаб айланиб чиқсак, Шимолий қутбдан Жанубий қутб орқали яна дастлабки жойимизга қайтганимиздан кўра, яъни меридиан чизиғи бўйлаб айланганга нисбатан кўпроқ йўл юришимизга тўғри келган бўларди.

### ЕР ҚАНДАЙ ҲАРАКАТЛАНАДИ?

Ер биринчи навбатда ўз ўқи атрофида айланади. Унинг ўз ўқи атрофида бир марта тўлиқ айланиб чиқиши учун 24 соат вақт керак бўлади. Ана шу вақт **сутка** деб аталади. Шунингдек, Ер Қуёш атрофида ҳам айланади. Қуёш атрофида бир марта айланиш учун 365 кун 6 соат 9 дақиқаю 9,5 сония кетади ва бу вақт **йил**га тенг.



Қуёш йилининг бошланиши ва якуни тўлиқ суткага тенг бўлиши учун бир йил 365 кундан иборат деб белгиланган. Бундан кўринадики, тақвим йили Қуёш йилидан 6 соат 9 дақиқаю 9,5 сонияга қисқа. Шу боис ҳар тўрт йилда бир марта тақвимга бир кун қўшилади ва феврал ойи одатдаги 28 ўрнига 29 кундан, йил эса 366 кундан иборат бўлади. Ана шундай йил **кабиса** деб аталади.

### НЕГА ЙИЛНИНГ ТЎРТ ФАСЛИ БОР?

Ернинг Қуёш ва ўз ўқи атрофидаги айланиши фасллар алмашинувига олиб келади. Қачонки Ернинг Қуёшга қараб турган қисмига кўп миқдорда ёруғлик ва ҳарорат тушганда **ёз** фасли келади. Аксинча ёруғлик ва ҳарорат кам бўлганда эса **қиш** фаслини кузатиш мумкин. **Баҳор, куз** фаслларида эса ёруғлик ва ҳарорат ўртача бўлади. Баҳор ва куз тенгкунликдан, ёз ва қиш эса Қуёшнинг ҳолатидан, бошқача айтганда Қуёшнинг тегишлича туришидан бошланади.

### ОЙ ЕРНИНГ ЯГОНА ЙЎЛДОШИМИ?

Дарҳақиқат, Ой Ернинг ягона йўлдошидир. У Ердан тахминан 382 минг километр олисликда жойлашган. Ойнинг диаметри 3450 километрга тенг. Барча сайёралар ва йўлдошлар сингари Ой ҳам ўз ўқи ва Ер атрофида айланади. У Ер атрофида 27 кун 7 соату 43 дақиқада айланиб чиқади.

Ойнинг на сиртида, на ички қисмида сув заҳиралари мавжуд эмас. Шу боис Ойда ҳаёт учун шароит ва имконият йўқ.

### ИНСОН ОЙДА БЎЛГАНМИ?

1969 йилнинг 21 июлида инсон биринчи марта Ойда бўлган эди. Ойга инсоннинг биринчи сафарини АҚШ астронавтлари Нил Армстронг, Эдвин Олдрин ва Майкл Коллинзлар амалга



оширишди ҳамда у ерда 22 соат бўлдилар. Уларнинг Ойга сафари махсус камералар ёрдамида тасвирга туширилиб, телевидение орқали тўғридан




тўғри намойиш этилди. Миллионлаб одамлар астронавтларнинг Ойда сакраб-сакраб юришларини телевизор экранлари орқали бевосита кузатиш имкониятига эга бўлишди.

Ойдан олиб келинган тошларни текшириш шуни кўрсатдики, улар Ердагидан кўра енгилроқ таркибга эга экан. Шунингдек, Ойда тортишиш кучи ҳам Ердагидан 6 марта кам. Шу боис ҳам астронавтлар Ойда Ердагидан олти марта олисроққа сакрай олишган.

### ОЙ ТУТИЛИШИ ҚАНДАЙ СОДИР БЎЛАДИ?

Ой ўзидан ёруғлик ва иссиқлик таратмайди. Фақатгина Қуёш нурларини ўзида акс эттиради. Шунинг учун Ердан туриб Ойни кўриш мумкин. Аммо айрим ҳолларда Ой кўринмай қолади. Бу Ой Ер атрофида айланиб, унинг орқасига ўтиб қолганда содир бўлади. Яъни Ер Ой билан Қуёшнинг ўртасига тушиб қолиб, ўз йўлдошини Қуёш нурларидан тўсиб қўяди. Бу ҳол **Ой тутилиши** деб аталади.

### НЕГА ОЙ ТУРЛИ ШАКЛЛАРДА КЎРИНАДИ?

Бизга худди Ойнинг шакли кундан кунга ўзгариб бораётгандай туюлади. Аслида эса бу ўзгариш фа-



Янги ой — Тўлишаётган ой — Тўлин ой — Қисқараётган ой

қатгина унинг Қуёш нури тушиб турган қисмигагина тааллуқли бўлади. Шаклнинг бундай ўзгариши астрономияда **Ой фазалари** деб аталади. Ойнинг тўртта фазаси бўлиб, уларнинг барчаси ўтиши учун 29 кун 12 соату 44 дақиқа керак бўлади. Ойнинг тўртта фазаси қуйидагилар:

1. **Янги Ой.** Ойнинг Ердан кўриниб турадиган қисмига Қуёш нурлари тушмайди ва у ингичка ўроқ шаклида бўлади.
2. **Тўлишаётган Ой.** Қуёш кун сайин Ойнинг Ердан кўриниб турадиган қисмини кўпроқ ёрита бошлайди.
3. **Тўлин Ой.** Қуёш Ойнинг кўриниб турадиган қисмини тўлиқ ёритади.
4. **Қисқараётган Ой.** Қуёш кун сайин Ойнинг Ердан кўриниб турадиган қисмини камроқ ёрита бошлайди.

**ДАРМОН тайёрлади.**

# МАЗЛУМНИНГ ҲАҚҚИ

Хадича опа шифохонада фаррош бўлиб ишларди. Ёши олтмишларга бориб қолган бу аёл ўта самимий, ширин сўз, ғоятда меҳрибон эди. Хўжалик бекаси Мухтасар у-бу сотишга рухсат бериб қўйгани учун Хадича опа тунги навбатчиликда текинга ишлаб берарди. Аслида фойда қиляптими, йўқми Хадича опанинг ўзи ҳам билмасди. Чунки оғир ётган бемор болаларга раҳми келиб сотаётган ўйинчоқларини совға қилиб ҳам юборарди.

Ҳаётда жуда кўп қоқилган, қийналган бу аёл қариган чоғида бир ўғил ва бир қизини оёққа турғазаман, ўқитиб одам қиламан, деб тиним билмасди. Ўғли ҳали ёш, қизи эса нуфузли олийгоҳда ўқийди. Аммо қизи контракт асосида қабул қилинган. Қизи оилавий аҳволини ўйлаб ўқимайман, яхшиси ишлайман, деган эди. Аммо онаси бунга йўл қўймади. Ягона орзуси фарзандларининг ўқимишли бўлиши эканлигини, қийналса-да контракт пулини топишини айтиб, қизини ўқишга мажбур қилди. Шунга ҳам тўрт йил бўлибди. Бу вақт ичида Хадича опанинг қилмаган иши қолмади ҳисоб. Фаррошлигини қилиб келиб, иссиқ сомсаларини кўтариб бозорга чопади. Бозордан овқат қолдиқлари, нон бўлаклари, пўчоқларни олиб далада яшаётган дугонасининг ҳовлисида боқаётган қўйларидан хабар олади.

Шундай кунларнинг бирида Хадича опанинг қўшниси чиқиб, чиройли чойшаблар тўпламини ишхонасига олиб бориб кўрсатишни илтимос қилди. Нархи саксон беш минглигини эшитган Хадича опа ишхонасида бунча қиммат нарсани олишмаслигини айтганида, ҳалиги савдогар қўшниси бу матоҳ анчадан бери турганлиги сабаб ярим нархига беришини таъкидлади. Ноилож чойшабларни кўрсатишга олиб борган Хадича опанинг бозори юришиб кетди. Қиз узатадиган аёллар чойшабнинг нархини билишаркан шекилли яна буюришди. Эртаси куни беш дона чойшаб олиб борган Хадича опанинг савдоси юришаётганини кўрган хўжалик бекаси Мухтасар бақир-чақирни бошлади ва деярли эгаларини топган чойшабларни ишдан кейин сотасиз, деб хонасига олиб кириб қўйди. Эртасига навбатчиликни топшириб бўлиб харид учун келган ходимлар чойшабларини олаётганида уларнинг сони битта кам эди. Хадича опа изиллаб йиғлар, пулини қандай тўлашини ўйлаб сиқиларди. Хўжалик бекаси бўлса:

- Бошимни қотирманг, қандай қўйган бўлсангиз шундай турибди. Кимга керак бу матоҳингиз? Нима, мени ўғри қиляпсизми?- дея ўшқирди.

Йиғлаб кўзлари шишиб кетган Хадича опа:

- Майли, ким олган бўлса ҳам буюрмасин, болаларимнинг ризқини қийиб бўлса ҳам тўлайман,-деди алам билан.

Маошини олгач қўшнисига чойшабнинг пулини берди ҳамки ўғрининг дараги чиқмади. Аммо ишхонадагилар Хадича опага раҳми келиб, бу қинғирлик Мухтасарнинг иши эканлигини унда-мунда гапириб юришди. Бу гап катта ҳамширанинг қулоғига етди. У Мухтасарни хонасига чақирди-да :

- Мухтасар опа, биламан, чойшабнинг биттасини сиз олиб қўйгансиз. Чунки унинг бешта эканлигини бу ерда ҳамма кўрган. Яхшиси ўзингиз узр сўраб, қайтариб беринг. Етимларнинг ҳаққи қўймайди. Оқибати ёмон бўлиши мумкин,-деди.

Аммо Мухтасар:

- Нималар деяпсиз? Менга туҳмат қиляпсиз,-деб бақириб кетди. Гап бефойда эканлигини билган катта ҳамшира Шоирахон:

- Майли, мен огоҳлантирдим холос, бу ёғи виждонингизга ҳавола,-деди.

Орадан анча вақт ўтди, бу воқеа деярли унутилди ҳам. Бир куни ишчилар Мухтасарнинг автоҳалокатга учраганини эшитишди. Аранг жони омон қолган аёл ўша чойшабнинг пулидан ўн баравар кўп маблағни сарфлаб оёққа турди.

Бу воқеанинг гувоҳи бўлганим учун кимларгадир сабоқ бўлар деб ёздим. Ахир Ҳадисда: **“Мазлумнинг дуосидан эҳтиёт бўл, зеро унинг дуоси билан Аллоҳнинг орасида парда-тўсиқ йўқдир”**, деб бежизга айтилмаган.




# ТЎЙДАН ОЛДИН ТОМОША

Дам олиш куни дугонам билан хонани тартибга келтириб, қишга иссиқроқ кийим олиш учун “Ипподром”га йўл олдик. Одам роса гавжум. Кимдир икки боласини етаклаган бўлса, яна кимдир хотинини. Ора-орада “пўшт арава”лар...

Одамнинг кўплигидан чўчиб, дугонамни маҳкам тутдим. Расталар оралаб юрарканмиз, ўзимга ёққан буюм олдида тўхтаб, сотувчи билан савдолашиб турсам, олдимдаги кекса отахон ва онахон ҳам айнан “менинг” кийимимни савдолашаётганларини кўрдим. «Бу жуда қиммат экан, ўғлимга арзонроғини кўрсатинг», дейишарди. Йигит ёнидаги қизнинг қулоғига нимадир деди. Синглиси экан шекилли, дедиму бу ердан нари кетдим. Ҳали бир, икки қадам юрмасимиздан “қурумсоқлар, ҳа ўла”, деб бояги қиз бизга урилиб шитоб билан ўтиб кетди. Ҳайрон бўлиб “наҳотки, қиз ота-онасига шу гапларни айтса?” деб орқага қарадим. Йигит қўлларини пахса қилиб, чол-кампирга: “Олса ола қолмайдими, бу нима қилганларингиз?” - деди. Чол: “Келин хафа бўлдими, ўғлим, майли ола қолсин. Онаси, обергин, майли пулини тўлаймиз, олсин”, деди. “Эй, нима қилиб қўйдинглар”, деганча йигит қизнинг ортидан югуриб кетди. Ота-она уларни йўқотиб қўймаслик учун тезроқ ўша томонга ошиқишарди. Расталар бўйлаб юрарканмиз, айнан ўша оилани яна учратдик. Қиз қимматбаҳо либосни кийиб турар, йигит кийимларини тўғриларди.

Бир четда эса қўлида катта ва оғир сумка билан ота ва она жавдираб туришарди. Дугонамга воқеани охиригача кузатайлик-чи, дедим. Улар сотувчи билан савдолашиб қиз танлаган кийимни олишди. Олинган кийим онанинг катта сумкасига солинди. Қиз бир оғиз раҳмат ҳам айтмай, аксинча, йигитни “подрушка” қилиб сақични чапиллатиб “саёҳат”ини давом эттириб кетаверди. Секин бориб онадан ҳол-аҳвол сўрадиму, сумкасини кўтаришмоқчи эканимни айтдим. Улар бироз ишонқирамай қарар экан, ўзимнинг енгил сумкамни онага бериб ўзаро алмашишдик. Аста воқеани суриштирдим. Она бу қиз бўлғуси келин эканлигини ва яқинда тўй қилишларини, шу боис сарпо харид қилгани чиқишганини, ўғлининг олий ўқув юртида ўқишини, ўзлари нафақахўру, зўрға рўзғор тебратишаётганини кўзида ҳадик ва қўрқув билан улар кетган томонга қараб-қараб айтаркан:



- Боя хафа бўлиб аразлаб кетиб қолди. Ўғлим ялина-ялина ярим йўлдан қайтарибди-я. Майли, қизим, биз бора қолайлик,- деди.

Мен эса ўйга толдим... Наҳотки, шу муштипар, хокисор онага бир пиёла чой тутиб улгурмаган қиз ҳалитдан уларга зуғумини ўтказиб олган бўлса, бу қанақа тарбия бўлди. “Борадиган эшигингни қаттиқ ёпма” деган нақл бор-а... Ўғил-чи, ўғил?! Ота-онасига оғир сумкани кўтартириб қўйиб, бозор ўртасида уларни жеркиб, “қизига” хушомад қилди. Унинг уст-бошини тўғрилаб, у билан қўл ушлашиб олдинда юрибди. Хайф сендек ўғил болага.

Ота-она шу умидда уни ўқитишмоқдами? Йигитки ўз ота-онасини ҳурмат қилмаётган экан, ўзга уйда ўсган қиздан ҳурмат кутса бўладими? Аёл иффати, ҳаёси билан гўзал. Қиз бола боши эгалик бўлгандан сўнг куёвнинг ота-онаси, қариндошлари, укаларидан қочиб, юзларини беркитиб юрган. Ўғил болалар ҳам. Бу ҳурмат ҳисобланган. Ҳозир шундай қилиб юришсин демайман, аммо қиз бола бўлғуси қайнона-қайнота олдига тушиб уялмасдан кийим олиб беришни буюриши, сарпо танлаши... Кечирасизу, андиша ҳам керакда озгина. Қанча оилалар шу арзимас сарпо орқали ажралиб кетмоқда, яна қанча йигит-қизлар шу сарпони деб ўз бахтларини тополмай умрларини ёлғиз ўтказмоқда.

***Муҳтарам онажон, азиз дугонажон, сингилжон, юқоридаги воқеа ҳақида обдон ўйлаб кўринг, илтимос. Устингизда оддий читдан кўйлак бўлса-да, қайнона-қайнотангизни кулиб кутиб олиш бахт эмасми?***

**Зебинисо ҒАФФОРОВА,**
**ТДПУ талабаси.**

# ЯХШИЛИК МУРОДГА ЕТКАЗАР

Яқин танишим Зулхумор ажойиб бир воқеани ҳикоя қилганди. Ўша воқеани сизларга ўзи айтганидек сўзлаб бермоқчиман.

«Қайнэгачим Замира опани қайнонам раҳматлик узоқ қариндошларига бергандилар. Бир ўғил ва бир қизлик бўлиб бахтли яшайди. Қайнонам ўтгандан кейин ўша опам барчамизга бош-қош бўлдилар. Укалари доим Замира опамга суянади. Эсимда, биз қизимизни узатадиган бўлганимизда, маслаҳат қилгани опамникига борганимизда шундай деган эдилар:

- Қизларга ҳам совчилар бир ёғилиб келади. Жойи чиқдими суриштириб, иссиғида берган маъқул. Хижолат бўлмай тўй бошлайвер, ука, онам раҳматли бўлганларида ҳам шундай дер эдилар. Сенинг рўзғоринг бошқа, ким аввал тўй бошлашининг нима фарқи бор. Бу тақдир, пешона. Жиянимнинг бахти менинг қизимдан аввалроқ очилса нега хафа бўлишим керак. Жиянингнинг ҳам эртами-кеч бахти очилиб қолар. Кетма-кет қизларинг етилиб турибди, ҳарна биттасидан қутулганинг...

Шу тариқа ака-укалар бирин-кетин қизларини узатишди. Қайнэгачим ҳар сафар тўйнинг асосий оғир томонини кўтариб берарди. Аммо ўзининг биттагина қизининг негадир жойи чиқмаётганди. Ниҳоятда чиройли, пазанда, саришта, тарбияси ҳам мақтагулик жиянимизнинг бахти очилмаётганига ҳайрон эдик. Ҳатто биз овсинлар қайнопамизни баланд жойни кўзлаётгандир, деб ғийбат ҳам қилдик.

Кенжа қизимни узатиб келиб Замира опамни қўярда-қўймай олиб қолдим.

- Ойимларнинг уйларида гаплашиб ётамиз. Эртага биргалашиб қовурдоқ олиб борамиз. Сиз ҳам худди ойимлардек қовурдоқни мазали пиширасиз,-дедим.

Ўша кечаси алламаҳалгача опам билан гаплашиб ётдик. Замира опам гап орасида йиғлаб ҳам олдилар.

- Қизимнинг бахти очилмаганига баъзан сиқилиб кетаман. Сизлар мени атайин олиб ўтирибди, деб гап ҳам қилдингиз. Йигит моли йўлида. Куёвнинг бой бўлиши шарт эмас. Ақлли, тушунган оиладан бўлса бас эди. Маҳалламиздан бир иссиқ-совуқ қиладиган, ҳамма ҳайиқадиган шаллақи аёл қизимни тайин-тутуруғи йўқ ўғлига сўраганда бермаган эдим. Шу аёл келган совчиларни иккинчи келмайдиган қилиб юбораётганмиш. Мана ҳамма ўғилларим уйланди. Қизим бечора сездирмаса ҳам кўзларидаги мунгни кўриб эзиламан. Ҳар гал тўйлардан кейин совчилар кўпаядию, иккинчи марта келмай кетади. У тенги қизлар 3-4та фарзандли бўлишди. Ўша қўшним фақат ўзим келин қиламан, деб ҳамма ёққа жар солиб юрганмиш. Ҳар гал онам тушимга кириб, Саида албатта бахтли бўлади, дейдилар. Ишқилиб бахти очилсин-да,-дея йиғлаб-йиғлаб ухлаб қолдилар. Кейин тонгда туриб қовурдоқни тахтлаб менинг қўлимга топширдилар-да:

- Хафа бўлмайсиз, келин, мен уйга борай. Тушимга онам кириб бугун совчи олиб бораман, ўз уруғимдан, албатта рози бўл, дедилар. Юрагим ҳаприқиб кетяпти,-дея шошиб кетиб қолдилар.

Қарангки, ўша куни узоқ қариндошимизнинг Японияда ишлайдиган ўғлидан Саидага совчи келибди. Тезда тўй ҳам бўлиб кетди. Ҳозир улар Японияда яшашади. Биз ҳар гал ҳазиллашиб, “ойим топган куёв”, деб қўямиз.

Бу воқеаларни эслаганда, қайнэгачимнинг беғубор қалби, соф нияти туфайли ҳар қанақа қаршиликлар, иссиқ-совуқлар барбод бўлганига амин бўламан».

**Манзура САФАРОВА,**
**Тошкент вилояти,**
**Зангиота тумани.**

# МУЗ: ЧИНИҚТИРАДИ ШИФО БАХШ ЭТАДИ



***Қиш кунлари қор учқунлаб турганда сайр қилиш, қорбўрон ўйнаш, қорбобо ясаш, морж бўлиб муз ҳовузда чўмилиш кабилар организмни чиниқтиради ва шамоллаш ҳамда бошқа қатор дардларнинг олдини олади. Қолаверса, қор, муз ва совуқ сув шифобахш малҳам сифатида замонавий тиббиёт ва халқ табобатида кенг қўлланилади. Тоғорага сув солиб кечқурун ташқарига қўйсангиз эрта тонгда кўпгина дардларга дармон—муз тайёр бўлади.***

### ҚОН ТОМИРЛАРИ МУОЛАЖАСИ

Иссиқ ҳаммомда чўмилгандан сўнг танага совуқ сув қуйиб юбориш ёхуд сауннанинг буғли хонасидан чиқиб совуқ сув тўлдирилган ҳовузга шўнғишнинг фойдаси жуда катта. Чунки иссиқ таъсирида теридаги турли микроблар, тузлар тўлиб қолган тиқинлар очилади, қон томирлари кенгаяди, мушаклар бўшашади. Шундай пайтда бирдан совуқ сувга тушиш натижасида қон томирлари кескин тораяди, мушаклар таранглашади. Бундай контраст(иссиқ-совуқ сувни алмаштириб) усулда чўмилиш **атеросклероз** ва **гипертония**дан энг яхши ҳимоя ҳамда терини ёшартирувчи воситалардан биридир.

### ҚОРБЎРОН ЎЙНАЙМИЗ!

Қорли кунларда яланг қўл билан қордан коптоклар ясаш катталар учун ҳам, болаларга ҳам жуда самарали чиниқтирувчи муолажа воситаси саналади. Фақат бунда оддий қоидага амал қилиш керак: биринчи мартасига бир дона коптокча ясайсиз ҳамда дарров қўлингизни чўнтакка солиб ёки қўлқоп кийиб иситасиз. Орадан маълум вақт ўтгач, энди иккита, кейинги сафар учта ва хоказо қорли коптокчалар ясайсиз. Коптокчалар сони олти-еттитага етгандан кейин қўлни иситиш шарт эмас. Яхшиси, у озроқ вақт ҳўл ва совуқ ҳолида турсин.

### ЯЛАНГОЁҚ ЮРАМИЗ

Мазкур чиниқиш учуллари айниқса болакайлар учун фойдалидир.

Қишда қор ёғаётган пайтда 2-3 дақиқа қор устида ялангоёқ югуриб юриш керак. Аммо асло



ёққанига бир неча кун бўлган, юзи музлаб қолган қорда юриш ярамайди. Шундан сўнг дарров иссиққина уйга кирасиз. Бу муолажа **бронхит, артрит, артроз, юрак, қон-томир тизими** касалликларида фойдалидир. Уйга киргач, оёқни артмасдан пахталик қалин пайпоқ ва иссиқ оёқ кийим кийиб олиш зарур.

### ОҒРИҚ ЧЕКИНАДИ

Анестезия (оғриқсизлантириш)ни бекорга "терини музлатиш" дейишмайди. Яраланган жойга совуқ жисм ёки муз қўйилганда, қон томирлари торайди ва қон кетиши пасаяди, терининг ва жароҳат олган аъзоларнинг оғриғи босилади. Хатто замонавий тиббиёт жадал ривожланиб бораётган бугунги кунда ҳам жарроҳлик амалиётидан сўнг оғриқни қолдириш ва қонни тўхтатиш учун тикилган жойга муз босишади.

***Қўлингиз ёки оёғингиз лат еганда*** муз бўлакчаларини қаттиқ елим халтага солиб, устидан юпқа сочиқ ўраб, жароҳатланган жойга қўйинг. Эриган сайин музни алмаштириб, муолажани икки соат давом эттириш керак.

***Пай ва мушаклар тортишганда*** жароҳатланган жойда қон тўпланиб қотиб қолмаслиги учун ўша аъзони баландроқ нарсанинг устига қўйиб туриш лозим. Агар оғриқ кучли бўлса, оғриқ қолдирувчи бирорта дори, масалан, баралгин ёки пенталгин ичиб, сўнг музли компресс қўйинг.

### Биринчи ёрдам воситаси

Муз биринчи тиббий ёрдам кўрсатишнинг ҳам энг яхши ва самарали воситаларидан бири ҳисобланади. Жумладан:

***Аппендицит(кўричак) хуруж қилганда*** қориннинг ўнг томон паст қисмига муз босиш керак. Аммо аёлларга музни узоқ вақт қўйиш мумкин эмас. Чунки бачадон шамоллаб қолиши мумкин.

Бирор бир жароҳат сабаб ***Бачадондан бирдан қон кетганда*** осмонга қараб ётиб, қориннинг киндикдан паст қисмига муз қўйиш лозим.

***Кўкракка кучли зарба тегиши ва ўпканинг жароҳатланиш эҳтимоли бўлганда*** (ўпкадан қон кетишида). Гавдангизни ярим ўтирган ҳолатда тутиб, кўкрагингизни сиқиб турган ва нафас олишингизга халақит бераётган кийимларни ечиб ташланг. Сўнг кўкрагингизга муз қўйиб, гаплашмаслик, умуман қимирламасликка ҳамда йўтални тутиб туришга ҳаракат қилинг.

***Ошқозонда қон кетганда*** (қон томирларининг кенгайиши, ошқозон ярасининг ёки майда қон томирларининг ёрилиши оқибатида). Осмонга қараб ётинг ва киндикдан тепароққа муз босинг. Шифокор томонидан қон кетишининг сабаби аниқлангунига қадар овқатланиш, сув ичиш ва гаплашиш мумкин эмас.

***Бўғиз, томоқ ва қизилўнгач қаттиқ куйиб қолганда, кучли кислоталар билан заҳарланганда*** шифокорлар етиб келгунича тоза муз бўлакчаларини ютиб туриш лозим.

### БЕЛ ОҒРИГАНДА...

Қадимдан бел оғриғида иссиқ яхши фойда беради, деб ҳисобланган. Аслида эса кучли ва сурункали бел оғриғида иссиқ эмас, балки айнан совуқ, муз танадаги тўқималар шишишининг олдини олади, оғриқни пасайтиради, таранглашган асаб толаларини бўшаштиради.

Агар сизни бел оғриғи безовта қилса, оғриётган жойга кичкина муз бўлагини қўйинг. Устидан елим халта ва ёстиқ билан босганча уни 3 дақиқа ушлаб туриш керак. Музни олганингиздан сўнг 3-4 дақиқа ўтгач, муолажани яна такрорланг. Оғриётган жой қизариши



билан иссиқроқ ўраниб ётиш зарур бўлади.

Муолажа учун оддий сувдан тайёрланган муз ҳам бўлаверади. Аммо мойчечак дамламаси, қайин, оқ тол пўстлоғи қайнатмаларининг музлатилгани яхшироқ самара беради. Бунинг учун дамлама ёки қайнатмадан бир ош қошиғини бир стакан қайноқ сувга аралаштириб, совугач сузиб олиш ва музлатиш учун қўйиш керак.

### Ички ва ташқи муолажалар

***Кўриш қобилияти сусайганда, кўз оғриганда, катарактадан сақланиш учун*** юмуқ кўзлар устига майда муз бўлакчаларидан компресс қилинг. Компресс қуйидагича қўйилади: музни олиб, нўхатдан кичикроқ қилиб майдалайсиз. Сўнг бир чой қошиғини тоза докага ўраб, кўзга босасиз.

### Бавосилнинг давоси

Муздан бавосил (геморрой) касаллигида ҳам шифобахш восита сифатида фойдаланиш мумкин. Агар сизни ташқи бавосил безовта қилаётган бўлса, ҳар сафар ҳожатга чиққанингиздан сўнг ўтирадиган музли ванналар қабул қилинг. Дастлаб хона ҳароратидаги сувдан бошлайсиз. Аста-секинлик билан танани ўргата бориб, шундан сўнггина сувга муз қўшишингиз мумкин бўлади. Агар сувингиз ва муз бавосилга қарши шифобахш ўтлар дамламаларидан тайёрланган бўлса янада яхши.

***Орқа бўшаниш йўлида ёриқлар бўлса.*** Эман пўстлоғининг бир ош қошиғини бир стакан қайноқ сувда дамлайсиз.

***Орқа бўшаниш йўли қичишса.*** Зиравор газак ўт баргидан бир десерт қошиқда олиб, бир стакан қайноқ сувда дамлама тайёрлайсиз.

**Барча дамламалар совугач, музлаткичга қўйиш олдидан сузгичдан ўтказиб олиш ёдингиздан чиқмасин.**

Ваннали муолажани бир неча сониядан узоғи билан бир дақиқагача давом эттириш керак. Музли сувда узоқ ўтириш ярамайди. Чунки кичик тос қисмидаги органларни шамоллатиб қўйиш хавфи бор.

Мабодо бавосил ички бўлса, орқа бўшаниш йўлига музли шам қўйиш мумкин. Бунинг учун тиббий резина қўлқопининг кичик размерлисидан олиб, жимжалоғини юқорида санаб ўтилган бавосилга қарши шифобахш дамламалардан бири билан тўлдирасиз. Сўнг дамлама тўкилиб кетмаслиги учун "бармоқ"ни боғлаб, музлаткичга қўясиз. Ҳосил бўлган музли сумалак (сосулка)ни қўлқопдан чиқариб олиб, орқа бўшаниш йўлига тиқиш лозим. Биринчи муолажада музни 30 сония ушлаб турилса кифоя. Аста-секинлик билан вақт узайтириб борилади ва муз батамом эриб кетгунча ушлаб турилади.

### МУЗЛИ ИЧИМЛИКЛАР

"Жуда ҳам совуқ ва жуда иссиқ нарсаларни ичманг", дея маслаҳат беришади шифокорлар. Ёзнинг иссиқ кунида ичилган муздай сув эса юрак, қон-томир касалликлари бор кишиларда хуруж қўзғаши мумкин. Аммо баъзи пайтларда музли сув муолажа вазифасини ҳам ўтайди. Масалан, тўхтовсиз ҳиқичоқ тутиб қолганда майда муз бўлакчалари солинган совуқ сув ичиш тавсия этилади. ***Лекин бу муолажа шамоллаш ва ангинага мойиллиги кучли кишиларга тўғри келмайди.***

**Бронхиал астма** хуруж қилганда эса арпали қаҳва дамлаб, сал совугач, бир неча бўлак муз қўшинг. Қаҳвани шошмасдан, ҳар бир қултумини тамшаниб-тамшаниб ичиш лозим.

СОҒЛИҒИНГИЗ БОЙЛИГИНГИЗ

### КРИОТЕРАПИЯ МУОЛАЖАСИ

Бир стакан сувга икки чой қошиқ туз қўшилади. Намакобли муз билан муолажа қилиш тиббиётда ***криотерапия*** деб аталади.

Намакобни елим халтага солиб, музлаткичга қўйинг. Сув музлаганда унинг ҳарорати -3, -4 даража атрофида бўлади. Муз(криохалта)ни олиб, оғриётган жойга қўйиш керак. Масалан, **тизза артрозида** тизза бўғимига қўйилади. Шунингдек, намакобни шифокорлар резина қўлқопининг жимжало-



ғида музлатиб, Су-Жок усули бўйича қўл кафтидаги тананинг у ёки бу аъзосига мос келадиган нуқталарга қўйиб ҳам муолажа қилиш мумкин.

***Гайморитда*** криохалтани навбати билан чаккаларга босиш керак. Бунинг учун музни юз териси сал қизаргунча ушлаб туриб, сўнгра терига 5-10 дақиқа дам берасиз-да, муолажани такрорлайсиз. Кунига шу усулни 2 марта қўлласангиз етарли. Криохалтачани икки марта ишлатманг.

***Қорин дам бўлишида*** киндик атрофини криохалтача билан соат мили йўналишида уқаланг.

***Сурункали йўталда*** криохалтачани кафтнинг бош бармоқ билан туташган қисмига қўйиш зарур.

Криотерапия муолажаларини ўтказишда бир неча қоидаларга риоя этиш лозим бўлади. Хусусан, қўлни совуққа олдириб қўймаслик учун албатта қўлқоп кийиб олиш керак. Музни компресслар учун сал эриган ҳолда ҳам ишлатса бўлаверади, лекин криотерапияда муз албатта янги, эримаган бўлиши шарт. Шу боис 3-4 та криохалтачани олдиндан тайёрлаб, музхонада сақласангиз зарар қилмайди.

*Юрагида ишемик касаллиги бор, инфарколди ҳолатидаги, гипертония билан оғриган беморларга криотерапия муолажасини қўллаш таъқиқланади.*

**(Давоми бор)**

**ДАРМОН ва НОДИРА тайёрлади.**

# ЯНГИ ЙИЛДА ЧИРОЙЛИ ВА КЎРКАМ БЎЛИНГ




***Янги йил байрамига саноқли кунлар қолди. Қуйидаги маслаҳатлар кўп пул ва вақт сарфламасдан ёш ва гўзал бўлиш сир-асрорлари ҳақида. Уларга амал қилсангиз, янги йил кечаси ўз жозибангиз, кўрктароватингиз билан атрофдагилар эътибори ва меҳрини қозонасиз. Кўтаринки кайфият эса йил бўйи сизни тарк этмайди.***

## ЮЗ УЧУН МАШҚЛАР...

### ПАСТКИ ҚОВОҚЛАР...



Бармоқларингизни суратда кўрсатилганидек ҳолатда тутиб, (бунда терида бурмалар пайдо бўлмаслиги керак) уларни енгил босган ҳолда қорачиқларни юқорига қаратинг. Пастки қовоқларингизни қаттиқ сиқиб кейин бўшаштиринг. Бу машқни кўзларингизни катта очган ҳолда 10 марта бажаринг.

**НАТИЖАСИ:** **кўз остидаги шишлар ва қорамтирлик камайиб, сўлғин тери таранглашади.**

### ПЕШОНАДАГИ АЖИНЛАР...



Қошингиз устидаги терини босинг-да, тепага қаранг. Шундан сўнг қошларингизни куч билан тепага кўтариб, сўнг бўшаштиринг.- Машқни 10 марта қайтаринг.

**НАТИЖАСИ:** **қошлар устидаги тери осилишининг олдини олади.**

### НИҚОБНИ ЕЧАМИЗ!



Лабларингизни бирлаштиринг, лекин уларни сиқманг! Тишларингизга ёпишиб қолган нарсани сўраётгандек қилиб лабларингиз бурчагини куч билан сиқинг. Тишларни қаттиқ сиқмасдан, лабларингиз бурчагини кўтарган ҳолда сал жилмайинг. Сўнг бўшаштиринг. Бармоқларингизни 30 марта лабларингиз бурчагидан юқорига қаратиб пастга-юқорига уриб-уриб ҳаракатлантиринг.

**НАТИЖАСИ:** **лаб усти ва ёнларидаги ажинларни текислайди.**

### ЁНОҚЛАРНИ ШИШИРИБ



Юқори ва пастки лаблар ўртасидаги нуқталарни топинг. Оғзингизни сал очинг-да, ўша нуқталарни куч билан босинг. (Бу пайтда юқори лаб тишларга қаттиқ босилиши керак). Бармоқларингизни ёноғингиз ёнига суратда кўрсатилгандек қилиб жойлаштиринг.Шу қиёфани сақлаган ҳолда лабларингизнинг бурчаги билан жилмайишга урининг. Сўнг бармоқларингизни қўйиб юборинг. Ушбу машқни 35 марта тез-тез такрорланг.

**НАТИЖАСИ:** **ёноғингизнинг териси текисланади, қайишқоқлиги ортади, кўзларингиз остидаги салқиш йўқолади.**

### БУРМАЛАРНИ ЙЎҚОТАМИЗ



Оғзингизни суратдаги кўринишда очинг. Ўзингизни бор қувватингиз оғзингиз бурчагидан бурнингиз томонга йўналаётгандек ҳис этинг! Кўрсаткич бармоқларингизни ушбу чизиқдан аввал юқорига, сўнг шу йўналишда пастга қараб ҳаракатлантиринг. Оғиз ва бурун бурмаларида жизиллаш пайдо бўлгунча ушбу ҳаракатларни пастга-тепага қараб такрорлайверинг. Жизиллашни сезганингиздан сўнг тепага-пастга қараб 30 марта тез-тез уриб чиқинг.

**НАТИЖАСИ:** **бурундан то оғиз бурчагигача бўлган ажинлар йўқолиб, юзни кўркамлаштиради.**

### ЖАҒ МУСТАҲКАМЛАНАДИ



Оғзингизни очиб пастки лабларингизни ичга тортинг. Оғиз бурчагини эса тишларингизга босинг. Кўрсаткич бармоғингизни иягингизга қўйиб ушбу ҳаракатга енгил қаршилик кўрсатинг. Жағингизни аста-секин очиб ёпинг. Ҳар бир ҳаракатдан сўнг иягингизни олдинга қараб 1 см. чўзинг. Иягингиз шифтга қараган ҳолга келгач 30 гача сананг. Бўшаштиринг.

**НАТИЖАСИ:** **жағ мушаклари мустаҳкамланади, ёноқнинг осилган териси тортилади.**

### НАВБАТ ЛАБИНГИЗГА...



Лабларингизни ёпинг (лекин қаттиқ сиқманг).Кўрсаткич бармоғингиз билан лаб ўртасини, жизиллаш пайдо бўлгунча (секин ҳаракатлар билан) уринг. Кейин ҳаракатни тезлаштириб, 30 гача санганг-да, бўшаштиринг.

**НАТИЖАСИ:** **лабларингиз катталашиб, атрофидаги ажинлар йўқолади.**

### БУРНИНГИЗ ЧИРОЙЛИ БЎЛАДИ!



Бурнингиз учини босинг (ёш ўтиши билан у осилиб кенгая бошлайди).Бармоғингизни олмай туриб бурун учи пастга қараши учун устки лабингизни пастга тортинг. Бир неча сония шу ҳолатда туриб, кейин ўзингизни бўш қўйинг. Ушбу машқни 35 марта бажаринг.

**НАТИЖАСИ:** **бурун қисқариб, учи тортилади, устки лабнинг кўриниши яхшиланади.**

## ПАРҲЕЗ САҚЛАСАНГИЗ...

Янги йил яқин. Хўш, қолган шу вақт ичида озиб, қоматимизни кўркамлаштириш мумкинми?- деган савол туғилади. Баъзилар бу саволга:“мумкин, бунинг иложи бор”, - дейишса, бошқалар, “лекин бу соғлиқ учун зарарли-да”, дейишлари табиий. Бироқ замонавий тиббиётда соғлиққа зарар етказмасдан озиш мумкинлиги исботланган. **Мутахассислар айнан икки ҳафта ичида 3 килодан 10 килогача озишга ёрдам берадиған парҳезни тавсия этадилар.**

Бу парҳез сабзавотлар ва ёғсиз сут маҳсулотлари истеъмол қилишга асосланади. Масалан, бир кунда 1,5 кило сабзавотни 4-5 маҳал бўлиб-бўлиб ейиш мумкин. Сабзавотлардан салатлар ёки шўрва тайёрлаб еса ҳам бўлади. Шунингдек, уларни буғда (қасқонда) пишириш ёки қовуриб ейиш ҳам мумкин. 5-7 грамм ўсимлик ёғи ҳам ишлатиш мумкин.

Ёки мана бундай **шўрва** тайёрлаб ичилади. **6 дона пиёз, бир нечта помидор (маринадланганни ҳам бўлаверади), бир бош карам, 2 дона булғор қалампири, бир боғ шивит ёки селдер майда тўғралиб устига сув қуйилади. Баланд оловда 15 дақиқа, то сабзавотлар юмшагунча қайнатилгач, таъбга қараб туз солинади.**

**Кефирли парҳез** ҳам яхши натижа беради. **Бунинг учун бир кунда 1,5 литр кефирни бўлиб-бўлиб 6-8 маҳал ичиш керак бўлади. Ёғсиз творогнинг 700 граммига 50 грамм қаймоқ қўшиб истеъмол қилинади.** Ушбу сутли ва сабзавотли парҳез кун ора навбати билан давом эттирилади. Парҳез пайтида исталганча сув ичиш мумкин, фақат туз меъёрида истеъмол қилиниши керак. Ширинлик ва шакарли чой ичиш мумкин эмас.

Парҳездан кейин яна одатдагидек овқатланиш тана вазнининг ортишига сабаб бўлади. Шунинг учун яхшиси парҳезни давом эттириш керак. Бунинг учун махсус меъёрлаштирилган маҳсулотлардан ейиш тавсия этилади.

Энг маъқул парҳез, икки ҳафталик ҳисобланади. Янги йилгача озишни истаганлар учун ана шу парҳезни тавсия этамиз. Кейин ҳам кўркам қоматини сақлаб қолишни истаганлар эса шу парҳезни давом эттиришлари мумкин.

Бу парҳез маҳсулотлари мазали ва хилма-хил бўлиб, тўқ тутади. Ушбу парҳезда кун давомида гўшт, товуқ, пишлоқ, ёнғоқ ва балиқ маҳсулотларидан тайёрланган таомлар 6 маҳал истеъмол қилинади.

Кўкатлар билан сабзавотлардан истаганча ейиш мумкин. Фақат ун, шакар ва крахмалли маҳсулотлар, ёрма, картошка, ҳар қандай шарбатлар ва спиртли ичимликларни истеъмолдан мутлақо чиқариб ташлаш лозим.

Бу вақтда бажариладиган жисмоний машқлар ҳам 1-2 кило вазнни йўқотишга ёрдам беради. Севимли сериалларингизни ёнбошлаб ётмасдан турли жисмоний машқларни бажарган ҳолда томоша қилишингиз мумкин.

Озиш ва қоринни йўқотиш учун мўлжалланган жисмоний машқлардан энг яхши натижа берадигани белда махсус айлана (обруч) билан машқ бажаришдир.

Айлана билан машқ бажараётганингизда ҳар томонга эгилинг, турган жойингизда югуриш машқини ҳам канда қилманг. Зўриқмасдан бажариладиган бу машқлар мушакларни ҳам чиниқтиради.

## БАЙРАМГА БИР КУН ҚОЛДИ...

● **Олма**ни иккига бўлиб, ўртасини олиб ташланг. Ушбу бўлаклар билан юзингизни ва бўйнингизни яхшилаб ишқаланг. Бу муолажа юз терингизни тиниқлаштириб, ёноқларингизга пушти қизиллик бахш этади.

● **Узум**нинг шаффоф доналаридан бир нечтасини олинг. Уларни иккига бўлиб бир неча дақиқа юзингизга қўйинг. Бундай ниқоб терининг шох қаватини кўчириб, майда ажинларни текислайди.

● **Қаймоқ**ни юзингизга 5-7 дақиқа суриб қўйинг. У терига сўрилгач, юзингизни илиқ сув билан ювинг.Бу ниқоб юз терисини текислаб қайишқоқлигини оширади.

● **Апельсин**ни эзиб озгина қаймоқ қўшинг-да, ҳосил бўлган бўтқани юз ва бўйнингизга суриб, 10 дақиқадан сўнг ювиб ташланг. Озиқлантирувчи ажойиб бу ниқоб айниқса қуруқ терилар учун мос келади.

**ДИЛБАР ва ҲАМИДА тайёрлашди.**

Кумуш идишларни тиш пастаси билан ювинг!



# Билиб қўйган яхши






(Боши ўтган сонларда)

**Мураббо**

...ачий бошласа ҳар бир кг. мураббога яна 200 гр.дан шакар қўшиб қайтадан қайнатиб олинг. Қайнаш пайтида чиққан кўпигини олиб ташланг. Қайта қайнатилган мураббодан ҳар хил пишириқларни тайёрлашда бемалол фойдаланса бўлади.

**Кийимингизни**

...тез қуритмоқчи бўлсангиз, уни ювиб бўлганингиздан сўнг пахмоқ сочиқнинг орасига қўйиб, яхшилаб сувини сиқинг. Кейин ёйиб қўйсангиз тезда қурийди.

**Картошкани**

...арчмасдан қайнатаётганингизда сувига тухумни ҳам солиб юборишингиз мумкин. Тухумни роппа-роса 12 дақиқадан сўнг чиқариб олинг.

**Ваннахона**

...эшигини вақти-вақти билан сиркали сувда хўлланган юмшоқ латта билан артиб турсангиз, буғланишдан хўл бўлган жойларида доғлар пайдо бўлмайди.

**Духовканинг**

...ичи доимо тоза бўлиши учун спиртли сув ва совун билан ювиб туринг.

**Музлатгичда**

...муз қатлами йиғилиб қолмаслиги учун ҳар гал тозалаётганда глицерин аралаштирилган сувдан ҳосил бўлган бир бўлак муз парчаси билан деворларини артиб қўйинг. Глицерин ва сув тенг миқдорда олинади.

**Дераза**

...эшик ойналари, шиша ва биллур идишлар ярқираб туриши учун уларни тозалаб ювиб бўлганингиздан сўнг сиркали сув-



да хўлланган юмшоқ латта билан артиб қўйинг.

**Ёғочдан**

...бўлган ва бўялмаган дераза тоқчаларини олдин спирт билан, сўнг ёш болаларнинг танасига суриш учун мўлжалланган ёғ билан артиб қўйиш кифоя.

**Оҳакловчи**

...чўтка ишлатилганидан сўнг қуриб, туклари қотиб қолмаслиги учун, тозалаб ювгач соч кондиционери билан чайиб қўйинг.

**Кафель**

...доимо тоза ва ярқираб туриши учун вақти-вақти билан шампунда ювиб, сўнг тоза сув билан ювинг.

**Термос**

...ёки кофе қайнатиладиган идишлар узоқ вақт ишлатилмай турса, ўзидан нохуш ҳид чиқаради. Ҳидини кетказиш учун идиш ичига бир бўлак қанд солиб қўйиш кифоя.

**Паркет**

...полдаги доғни қумқоғоз билан қириб ташлаб, устидан намланган юмшоқ латта билан артиб олинг.

**Қувурлар**

...ҳар хил чиқиндилардан тиқилиб қолмаслиги учун вақти-вақти билан уларни туз солинган қайноқ сув билан тозалаб туринг.

**Янги супурги**

...тез тўзиб қолмасин десангиз, бир неча соат давомида шўр сувга солиб қўйиб, сўнг ишлатинг.

**Дераза**

...ойналарини тозалаш учун мослашган махсус замш мато қаттиқланиб қолмасин десангиз, ишлатилгандан сўнг ювиб қуритгач оғзи маҳкам бекитиладиган банкага солиб қўйинг.

**Пар**

...ёстиқ юмшоқ бўлиши учун унинг бир четини озгина очиб, соч қуритишга мўлжалланган феннинг совуқ шамол пуркашидан фойдаланиб шишириб олсангиз кифоя.

**Чангни**

...ҳар хил лакланган жиҳозлардан артиб олиш учун қуйидагича эритма тайёрлаб, шу эритмага ботирилган юмшоқ латтадан фойдаланинг.

1 ош қошиқ шампунь ва 8 ош қошиқ сув билан эритма тайёрланади.

**Линолеумни**

...илиқ сув, совун билан тозалаш мумкин. Доғларни эса ароқ билан артса бўлади, фақат ранги кетиб қолмаслиги учун секинроқ ишқалаш керак.

**МАХСУС МАСЛАҲАТ**

Ранги хиралашган тилла буюмлар яна ялтираб, тоза бўлиши учун кечаси бир стакан пивога солиб қўйинг ва эрталаб юмшоқ латта билан артиб олинг.



**Хромланган**

...буюмларингиз яна янгидек бўлиб сизга хизмат кўрсатиши учун уларни сутга солиб чайиб оласиз-да, юмшоқ латта билан яхшилаб артасиз.

**Пўлатдан**

...бўлган пичоқ, санчқи (вилка) ва бошқа буюмларни хом картошка билан, сўнг қоғоз билан артиб, сувда чайиб оласиз.

**Никелланган**

...буюмларни тозалашда жунли матолардан фойдаланиш мумкин. Бунинг учун бир парча жунли матони новшадил спиртига ботириб олиб, никелланган буюмларни яхшилаб артиб чиқасиз.

**Мельхиорли**

...қошиқ, санчқи (вилка) ва бошқа буюмларни тухум қайнатилган сувга солиб қўйиб, совигунча кутасиз-да, сўнг чайиб олиб қуруқ ва тоза латта билан яхшилаб артиб қўйсангиз янгидек ялтирайди.

**Кумушдан**

...бўлган идиш-товоқ, қошиқ, санчқи (вилка), пичоқ ва бошқа буюмларни тиш ювиш пасталари ёрдамида тозалаш мумкин. Бунда айниқса кукун ёки бўтқа шаклидаги тиш ювиш воситалари айниқса қўл келади. Ювиш воситасига озроқ новшадил спирт қўшиб юборсангиз ҳам айни муддао.

**Биллур**

...идишларни фақат совуқ сувга озроқ спирт қўшиб тозалаш тавсия этилади. Бунда бир литр сувга 1 ош қошиқ спирт қўшилади.

**Кастрюлканинг**

...остига овқат ёпишиб қолиб, ювиш қийинлашса, ичига 1 литр сувга 2 ош қошиқ ош содаси солиб қайнатиш лозим.

**Товалар**

...ёғ ва оловда қорайган бўлса каттароқ тоғорага солиб усти беркитилгунча сув қуйиб, сўнг унга сода ва кир ювиш кукунидан қўшиб 2 соат давомида қайнатсангиз топ-тоза бўлади.

**Дазмолнинг**



...остида доғлар пайдо бўлса бир варақ қоғоз устига майда тузни ёйиб иссиқ дазмолни шу тузга ишқалаш керак.

**Шиша**

...гулдонлар хиралашса туз ва сиркали сув солиб қўйиб, бир неча дақиқадан сўнг чайиб ташласангиз топ-тоза бўлади.

**Рўзғорда ишлатиладиган**

...пичоқларни кир ва занглардан тозалаш учун яхшилаб ўткирлаб, сўнг тузли сувда чайиб, қуруқ латта билан артиб қўйиш керак.

**Сув қайнатиладиган**

...човгумларнинг ичида пайдо бўлган қуйқаларни тозалаш учун, унга лимоннинг пўстини солиб 10 дақиқа қайнатиш лозим.

**Қирғич**

...кирланган бўлса ювишдан аввал унда хом картошкани қириб, кейин ёғоч қипиқлари билан тозаласа бўлади.

**Алюмин**

...кастрюлкани тозалаш учун карам барглари ва ёғоч қипиқларидан, шунингдек кир совундан фойдаланиш мумкин.

**МАХСУС МАСЛАҲАТ**

...кийимингиз ёки бирор буюмингиз яхши дазмолланиши учун крахмалланаётган пайтида озроқ кир совундан қўшиб юборинг.



**Чумоли**

...ва бошқа майда ҳашаротлар гулларнинг, айниқса атир гулларнинг ширасига ўч бўлишади. Гулларни бу ҳашаротлардан асрашнинг энг яхши йўли уларнинг орасига лаванда ўсимлигини ўтказиб қўйсангиз ҳашаротлар ўз-ўзидан йўқолиб кетади.

**Ёғочларда**

...пайдо бўладиган майда ҳашаротлардан қутулиш учун икки ҳафта давомида ёғочдан бўлган буюмларнинг сиртқи қисмини пиёзни иккига бўлиб, унинг мағзи билан артиб чиқинг.

**Мевалар**

...устида пайдо бўладиган кичик-кичик хира пашшачалардан қутулишнинг энг осон йўли меваларни ювиб идишга солиб қўйганингиздан сўнг унинг ёнига бир дона чиннигул қўйинг. Ана шунда пашшачалар меванинг ёнига йўлламайди.

**Пиёз**

...чиқиндилари, ёнғоқ пўчоғи полизда экинлар орасида пайдо бўладиган ҳашаротлардан қутулишда энг яхши воситадир. Бунинг учун пиёз пўсти ва ёнғоқ пўчоқларини бир идишга солиб яхшилаб қайнатиш, совигандан сўнг сувини экинлар устига сепиб чиқиш керак.

**Пашшалар**

...ёз кунлари чақавериб жонингизга тегиб кетади. Уларнинг уйга кириб кетмаслигининг ягона чораси дераза ёнида помидор кўкатларини ўстиришдир.

**Каналардан**

...қутулиш учун қичитқи ўтини қайнатиб, совигач кана босган жойларга сепиш керак. 1 кг. қичитқи ўти 10 литр сувда қайнатилади.

**Чивинлардан**

...қутулишнинг осон йўли ҳовлининг бир неча жойига гугуртнинг ёнадиган қисмларини кўмиб қўйишдир. Ундан тараладиган ҳид чивинларни қочиради.

**Шиша бутилканинг**

...ҳар қандай ҳидини йўқотиш учун унга бир ош қошиқ қуруқ хантал (горчица) солиб устидан иссиқ сув қуйиб қаттиқ чайқанг. Сўнгра эса тоза сувда чайинг.

**Уй чивинларидан**

...қутулиш учун хонанинг бир неча жойига цитрус мевалари пўчоқларини ёки чиннигулнинг новдаларини қўйиб қўйиш керак.

**Сувараклардан**

...қутулиш учун шакар билан бор кислотасини аралаштириб, шу аралашмани ошхонанинг ҳар жой-ҳар жойига қўйиб қўйиш лозим.

**Китобларни**

...ҳар хил ҳашаротлардан асраш учун вақти-вақти билан уларнинг устки қисмини кир совунли сувда ювилган латтани сиқиб, шу латта билан артиб қўйиш керак.

**МАХСУС МАСЛАҲАТ**

Хонада, гултувакларда ўстирилаётган гуллар ичида ҳар хил ҳашаротлар пайдо бўлишининг олдини олиш учун, вақти-вақти билан шалфей - мавракни1 литр сувда қайнатиб, гултувакка қуйиш керак.

*Газетамиз саҳифаларидаги мазкур рамз билан белгиланган мақолалар Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди гранти доирасида тайёрланди.*

Муассислар: Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитаси, Болалар жамғармаси ва «Соғлом авлод учун» Халқаро жамғармаси

Фойдаланилмаган қўлёзмалар таҳлил қилинмайди, муаллифларга қайтарилмайди, ёзма жавоб берилмайди.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Тошкент, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.
Босишга топшириш вақти - 20.00.
Босишга топширилди - 20.00

E-mail: oilavajamiyat@rambler.ru
oilavajamiyat@mail.ru

БОШ МУҲАРРИР: ДИЛБАР САИДОВА

Бош муҳаррир: 134-86-91
Қабулхона: (тел. ва факс) 133-28-20
Бош муҳаррир ўринбосари: 134-25-46
Оила, табриклар, эълонлар: 133-04-50
Бўлимлар: 133-04-35, 134-25-46
Бухгалтерия: 132-07-41

МАНЗИЛИМИЗ:
Тошкент - 700000
Амир Темур кўчаси,
1-тор кўча, 2-уй.
«Олой» бозори ёнида.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди.

ҲОМИЙ: «Матбуот тарқатувчи» акциядорлик компанияси

ОБУНА ИНДЕКСИ - 176
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 027-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г - 1432. Формати А-3, ҳажми 4 табоқ.
Адади - 10753
Саҳифаловчи — Ш. БАРОҚОВ
Рассом — Н. ХОЛМУРОДОВ
Навбатчи — Д. ИБРОҲИМОВ
Мусаҳҳиҳ — С. САЙДАЛИМОВ
1 2 3 4 5